

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 330.1 (658.1)

САЛИМОВ АЗИЗБЕК ИЛМИДДИН ЎҒЛИ

**ҚИСҚА МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР
АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5А230902-«Аудит (тармоқлар бўйича)»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н., проф. Каримов Ф. Ш.

ТОШКЕНТ-2013

Диссертация Тошкент молия институти «Аудит» кафедрасида
бажарилган.

Илмий раҳбар

и.ф.н., проф. Ф. Ш. Каримов

Кафедра мудири

и.ф.н., проф. Ш.Файзиев

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доцент Х.Ахмедов

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш

I боб. Молия бозорларини барқарорлаштириш шароитида қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитининг аҳамияти, вазифалари ва назарий асослари

- 1.1. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитининг аҳамияти, вазифалари ва маълумот манбаалари
- 1.2. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитининг ўзига хос хусусиятлари
- 1.3. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитининг назарий масалалари

I боб бўйича хулоса

II боб. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудити амалиёти ҳамда уни такомиллаштириш масалалари

- 2.1. Корхоналарда қисқа муддатли молиявий инвестицияларни таснифлаш, ҳамда бухгалтерияга кирим қилинишини текшириш
- 2.2. Қисқа муддатли молиявий инвестицияларни кирим қилингандан кейинги баҳоланиши, ҳамда чиқиб кетиши аудити
- 2.3. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитида қўлланадиган аудиторлик далилларини олиш амалларини такомиллаштириш

II боб бўйича хулоса

III боб. Аудиторлик ташкилотларида қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитини самарали ташкил қилишни, замонавий ахборот технологияларидан ва тасдиқлардан фойдаланишни такомиллаштириш йўналишлари

- 3.1. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитини самарали ташкил қилиш йўллари
- 3.2. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитини ташкил қилишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш йўналишлари
- 3.3. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитида тасдиқлардан фойдаланишни такомиллаштириш

III боб бўйича хулоса

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги: Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёти тизимига ўтиши муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг мавжуд маблағларидан самарали фойдаланиши, активларини оптимал бошқариши уларнинг олдидаги асосий вазифа бўлиб қолди. Чунки корхонанинг барқарор ривожланиши унинг мавжуд маблағларини самарали бошқариши ва жойлаштиришига бевосита боғлиқдир. Инвестиция дастурларининг устувор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инвестиция лойиҳаларини қабул қилиш, инвестицияларни самарали бошқариш орқали ички ва ташқи молиявий манбаларнинг барча шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш миллий иқтисодиётнинг келажагини белгилайди. Мамлакатимиз молия бозорларида, айниқса, чет эл инвестицияларининг роли кучайиб бормоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бевосита хорижий инвестициялар тўғрисида фикр билдириб, «Бир оддий ҳақиқатни яхши тушуниб олиш керакки, Ўзбекистонга киритилаётган инвестициялар, айниқса, тўғридан-тўғри келаётган сармоялар оқими ҳар бир киши, умуман жамият ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур»¹, – деб баҳолайди.

Молиявий инвестицияларни самарали бошқариш иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ривожланаётган корхоналар келажагини ҳал қилувчи восита ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётимизда фаолият юритаётган корхоналарнинг ҳам инвестиция салоҳиятини оширишига, ташқи инвесторларга корхонанинг инвестицион фаолиятидаги ҳақиқий ҳолатни ўз молиявий ҳисоботларида тезкор ва ҳақиқий кўрсата олишига бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири сифатида қаралади. Бу тўғрида юртбошимиз И. А. Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлиги,

¹ Каримов И.А. «Иқтисодий ислохот масъулиятли босқич». Т.: Ўзбекистон. 1999 й. 46б.

жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётганлиги мамлакатда яна ҳам қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги мавжуд бюрократик ғовлар ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишини тақозо этмоқда” дея таъкидлаганлар².

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, айтиш жоизки, мазкур диссертацион тадқиқотнинг мавзуси бозор муносабатлари шароитида қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитининг назарий асосларини тадқиқ этиш ҳамда уларни амалиётда қўллаш механизмларини янада такомиллаштириш масалаларига қаратилганлиги билан долзарб ҳисобланади.

Диссертация ишининг мақсади: Молия бозорларини барқарорлаштириш шароитида қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитини такомиллаштиришга оид илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертация ишининг вазифалари:

- қисқа муддатли молиявий инвестицияларни такомиллаштириш тўғрисидаги илмий назарияларни тарихийлик ва мантиқийлик тамойиллари нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш;

- қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитининг мазмуни, мақсад ва вазифаларини аниқлаш, уларни ташкил қилиш йўллари кўрсатиб бериш;

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сон “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони

- қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитини ўтказишда аудитнинг ишчи ҳужжатларини тайёрлашни такомиллаштириш;
- қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитини ўтказишда аудитор иши сифатини назорат қилиш йўналишларини очиқ бериш;
- қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитини миллий ва халқаро аудитнинг стандартлари асосида таҳлил қилиш;
- молиявий инвестициялар ва улардан олинadиган даромадларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тўғри акс эттирилиши, уларни бухгалтерияга қирим қилиниши, қирим қилинишидан кейинги баҳоланиши, ҳамда чиқиб кетиши аудити бўйича назарий муаммоларни ечишга оид таклифлар ишлаб чиқиш;
- қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитини ташкил қилишда замонавий ахборот технологияларидан, тасдиқлардан фойдаланишга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитини самарали ташкил қилиш муаммоларини аниқлашга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Диссертациянинг ўрганилганлик даражаси: Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудити ва уни ташкил қилиш йўллари хорижий олимлардан Чамберс А. Д. Ва Корт Ж. М. Хайвард С. Мкинн Ж. Л., Венаблес Ж. Ва Импей К., Фремген Ф.М. ва бошқаларнинг илмий асарларида ёритиб берилган. МДХ мамлакатлари, жумладан Россияда молиявий инвестициялар аудитининг долзарб муаммолари қуйидаги олимларнинг асарларида ўз аксини топган: Бернстайн Л.А., Камышанов П.И., Барышников Н.П., Ковалев В.В, Павлова Л.И., Шеремет А.Д. Кнейнина М.Н., Аренс А., Лоббек Д.Ж.³ Республикамизда ҳам молиявий

³Аренс Э..А., Лоббек Дж.К. Аудит. пер.с англ/. Под.ред. проф.Я.В.Соколова – М.:«Финансы и статистика», 2001. ст.-560; Додж Р. Краткое руководства по стандартам и нормам аудита. пер.с англ/. М.: «Финансы и статистика»; Кармайкл Д.Р, Бенис М. Стандарты и нормы аудита. Пер. с англ/. М.:Аудит. ЮНИТИ, 1995.; Ф.Л.Дефлиз, Г.Р.Дженик, В.М.О'Рейли и др. Аудит Монтгомери. пер.с англ/.под.ред.проф.Я.В.Соколова – М.: Аудит, ЮНИТИ, 1997. ст.-542;

инвестициялар аудитининг масалалари Р.Д.Дўстмуратов, А.А.Каримов, Савенков А., Ососков В.В., М.М.Тўлахўжаева, Усмонов С.Н., Дадабоев Ю.Т., Ш.Н.Файзиев, Н.Ф.Каримов, А.З.Авлоқулов ва бошқа олимларнинг илмий асарларида тадқиқ қилинган.

Мазкур муаммо ечимига тизимли ёндашувлар мавжуд эмаслиги ва бошқа бир қатор сабаблар республикада аудиторлик фаолиятининг ривожлантириш учун чуқур илмий изланишлар олиб борилишини тақозо этади.

Диссертация ишининг предмети ва объекти: Диссертация ишининг объекти «Consauditinform» МЧЖ агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг аудиторлик ташкилоти лицензиясига эга бўлган бошқа аудиторлик ташкилотлари, аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи давлат органи, аудиторларнинг нодавлат профессионал бирлашмалари, ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини комплекс ёки қисман текширувдан ўтказувчи бошқа давлат органлари ҳисобланади.

Диссертация ишининг предмети қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудити ва уни ташкил қилишда қўлланадиган амаллар, ҳамда молиявий инвестициялар аудитини такомиллаштиришга оид муносабатлардан иборат.

Диссертациянинг назарий ва услубий асослари: Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудити бўйича мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, олимларнинг ҳамда мутахассисларнинг илмий назарияларини таҳлил этган ҳолда, ҳамда аудиторлик ташкилотлари материалларидан фойдаланилган равишда республикада фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари амалиётида ишлаб чиқиляётган амалий таклиф ва тавсияларни тадбиқ қилишдан иборат.

Диссертациянинг илмий янгилиги: Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудити бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Булар қуйидагиларда ўз

ифодасини топган:

- Ўзбекистон Республикасида қисқа муддатли молиявий инвестицияларни аудиторлик текширувидан ўтказишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш йўналишлари очиб бериш;

- мамлакатимиз аудиторлик ташкилотларида қисқа муддатли молиявий инвестицияларни аудитини ташкил этиш ва тартибга солиш асосларини комплекс тадқиқ қилиш ва ундаги мавжуд айрим муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудити ва унда қўлланиладиган амалларни янада самарали ташкил қилиш учун қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни тавсия этиш юзасидан қатор таклифлар ишлаб чиқиш билан асосланади.

Диссертация ишининг илмий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти бозор иқтисодиётининг муҳим белгиси – республикаimizдаги молия бозорини ривожлантириш заруратидан келиб чиқади. Тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш турли хўжалик юритувчи субъектларни аудиторлик текширувидан ўтказишда текширув сифатини оширишга, яъни пировард натижада – молия бозорларини самарали фаолият юритишида молиявий ҳисоботларнинг ролини ошириш ҳамда аудиторлик текширувини ташкил қилишни такомиллаштиришга ёрдам беради.

Диссертация натижаларини синовдан ўтказиш: Тадқиқот жараёнида олинган диссертациянинг асосий ғоялари ва илмий хулосалари «Иқтисодиётни трансформацияс шароитида молия, кредит, бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш масалалари» (Тошкент, 2008), «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида “Молия, банк, солиқ, суғурта, қимматли қоғозлар бозори, инвестиция, бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимларини такомиллаштириш масалалари” (Тошкент, 2010), “Ўзбекистон автомобил ва йўл комплексини модернизация қилишда ёш кадрларнинг ўрни” (Тошкент, 2010), «The role of young people in economic

development of Uzbekistan» (Тошкент, 2012) мавзуларида ўтказилган республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган.

Диссертация иши Тошкент Молия институти «Аудит» кафедрасининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия қилинган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми: Магистрлик диссертация иши 80 бетдан, 3 та жадвалдан, 2 та чизма, кириш қисми, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Кириш қисмида магистрлик диссертацияси иши мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, магистрлик диссертацияси ишининг предмети ва объекти, унинг услубий ва назарий асослари, амалий аҳамияти ва тадбиқи, ҳимоя учун олиб чиқиладиган масалалар, магистрлик диссертацияси ишининг таркиби ҳақидаги маълумотлар берилган.

Биринчи боб «Молия бозорларини барқарорлаштириш шароитида қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитининг аҳамияти, вазифалари ва назарий асослари» деб номланган. Бу бўлимда қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитининг аҳамияти, вазифалари, ахборот манбаалари, ўзига хос хусусиятлари ва бошқа назарий асослари ўрганилди.

Иккинчи боб «Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудити амалиёти ҳамда уни такомиллаштириш масалалари» деб номланган. Бунда корхоналарда қисқа муддатли молиявий инвестицияларни таснифлаш, бухгалтерияга кирим қилиниши, кейинги баҳоланиши, чиқимини текшириш, ҳамда аудиторлик далиллари олиш амалларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Учинчи боб “Аудиторлик ташкилотларида қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитини самарали ташкил қилишни, замонавий ахборот технологияларидан ва тасдиқлардан фойдаланишни такомиллаштириш йўналишлари” деб номланган. Бу бўлимда қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитини самарали ташкил қилиш, замонавий ахборот технологияларидан, тасдиқлардан фойдаланишни такомиллаштириш ҳақида фикр мулоҳазалар берилган.

Магистрлик диссертация ишининг хулоса ва таклифлар қисмида молиявий инвестициялар аудитини ташкил қилишни ривожлантиришнинг самарали йўллари ва истиқболлари ҳақида якуний хулосалар берилиб, республикамиз аудиторлик ташкилотларида замонавий ахборот технологиялари ва аудиторлик текшируви ўтказиш методлари бўйича халқаро тажрибадан фойдаланиш борасидаги бир қатор таклиф ва тавсиялар киритилган.

Умуман олганда, магистрлик диссертацияси иши мавзусини ёритишда бир қатор жадваллар ва чизмалардан ҳам фойдаланилган. Магистрлик диссертацияси ишида кўтарилган мавзу жуда долзарб аҳамиятга эга бўлганлиги туфайли кейинги изланишларни олиб бориш учун ҳам асосий негиз бўлиб хизмат қилади.

I-БОБ. МОЛИЯ БОЗОРЛАРИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ҚИСҚА МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР АУДИТИНИНГ АҲАМИЯТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитининг аҳамияти, вазифалари ва маълумот манбаалари

Мамлакатимизда молиявий инвестициялар аудитининг роли кундан-кунга кучайиб бормокда. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитининг мақсади молиявий ҳисоботларнинг қисқа муддатли молиявий инвестициялар моддаси (Бухгалтерия баланси 1 сонли шаклнинг 370 сатри)нинг корхонанинг қисқа муддатли молиявий инвестициялар бўйича қабул қилган ҳисоб сиёсатида келтирилган услублари ва Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида ҳолис фикрни шакллантиришдан иборат.

Молиявий инвестициялар тушунчасига миллий қонунчилигимизда, молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларида, республикамиз ҳамда хорижий давлатларда илмий изланишларни амалга оширган олимларнинг таърифлари қуйидагиларда ўз аксини топган:

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабридаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 2 моддасига кўра, инвестициялар деганда иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тушунилса, инвестиция фаолиятига инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 16 январь 1999 йилда 596 сон билан рўйхатдан ўтган 12 бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти “Молиявий инвестициялар ҳисоби” нинг 6 бандида эса молиявий инвестициялар хўжалик юритувчи субъектнинг даромад олиши

(фоиз, роялти, дивиденд ва ижара ҳақи шаклида), инвестиция капиталини кўпайиштириши ёки инвестиция қилувчи компаниянинг бошқача шаклда наф олиши мақсадида тутиб туриладиган активлар эканлига назарда тутилган. Ушбу стандартда қисқа ва узоқ муддатли инвестицияларни бухгалтерия ҳисобида алоҳида ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларда алоҳида сатрларда кўрсатиш учун қуйидаги меъзонлар назарда тутилган. Унга кўра қисқа муддатли (жорий) инвестицияларга муомалада бўлиш муддати 12 ойдан ошмайдиган, осон реализация қилинадиган инвестициялар киритилса, узоқ муддатли инвестициялар сифатида қисқа муддатли (жорий) инвестициядан ташқари барча инвестициялар таснифланади.

Мазкур стандартда молиявий инвестицияларни тан олишда, улардан фойда ёки зарарларни бухгалтерияда акс эттириш учун зарур бўладиган баҳолар ҳам келтирилган бўлиб, унга кўра жорий қиймат бирига боғлиқ бўлмаган, хабардор ҳолда сотиб олишни хоҳлаган харидор билан хабардор ҳолда сотишни хоҳлаётган сотувчи ўртасидаги актив алмаштириладиган қиймат ҳисобланса, бозор қиймати бу фаол бозорда аниқланадиган инвестициялар қиймати назарда тутилади.

Республикамиз ҳамда хорижий давлатларда илмий изланишларни амалга оширган олимларнинг изланишларида ҳам қисқа муддатли инвестицияларга оид бир қанча фикрлар юритилганлиги ўрганилди. Хусусан, и.ф.н., доцент Авлоқулов А.нинг фикрича: “Жорий (қисқа) инвестициялар улушли ва қарз қимматли қоғозлари билан акс эттирилган бўлиши мумкин.

Улушли қимматли қоғозлар, одатда, оддий ва имтиёзли акциялар билан ифодаланади.

Қарз қимматли қоғозлари одатда облигациялар, хазина векселлар, депозит сертификатлари ва ҳақозолар билан ифодаланади.

Корхона ихтиёрида бўлган қимматли қоғозларнинг барчаси инвестицион портфель”⁴ эканлиги назарда тутилган.

Бизнинг фикримизча, молиявий инвестициялар – бу энг аввало бошқа корхоналарнинг устав капиталларига, биргаликдаги фаолиятига қилинган инвестициялар, ҳамда бошқа иқтисодий субъектларга берилган қарзлар.

Инвестиция инглизча “investment” сўзидан олинган бўлиб, сармоя қўйиш деган маънони англатади.

Молиявий инвестициялар аудитининг асосий мақсади – бу корхонанинг текширилаётган даври учун молиявий ҳисоботнинг барча муҳим жиҳатларининг тўғрилиги бўйича асосли фикрни шакллантириш мақсадида, молиявий инвестициялар ҳисобига оид операциялари бўйича корхонада қўлланиладиган ҳисоб услублари ва солиққа тортиш операцияларининг Ўзбекистон Республикасидаги текширилаётган даврда амалда бўлган қонунчиликка мослигини тасдиқлаш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун аудитнинг асосий вазибаларига қуйидагилар киритилади:

- Корхона активларини унинг молиявий инвестицияларига олиб борилишининг тўғрилигини текшириш;
- Молиявий инвестицияларни таснифлашда уларнинг меъзонларига амал қилинишини текшириш;
- Молиявий инвестицияларни бухгалтерияга кирим қилишда уларнинг дастлабки қийматини шакллантирилишининг тўғрилигини текшириш;
- Молиявий инвестициялар билан боғлиқ операциялар ҳисобининг тўғри амалга оширилганлигини текшириш;
- Молиявий инвестицияларнинг синтетик ва аналитик ҳисоби ҳолатини баҳолаш;

⁴ А.Авлоқулов “Инвестициялар аудити ва баҳолаш” Тошкент 2011, 9 бет.

- Хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларида тўлиқ ва тўғри акс эттирилганлигини баҳолаш;
- Молиявий инвестициялар инвентаризациясининг тўғри амалга оширилганлигини ва унинг натижаларини ҳисобда акс эттирилганлигини текшириш;
- Қимматли қоғозларни чиқиб кетиши (сўндирилиши) ва сотилишини уларнинг сақланиши бўйича текшириш;
- Молиявий инвестициялар билан боғлиқ операцияларда солиқ қонунчилиги талаблари риоя қилинганлигини текшириш.

Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитида хўжалик юритувчи субъектнинг қисқа муддатли молиявий инвестицияларига оид бирламчи ҳужжатларини тўлиқ ва ўз вақтида расмийлаштирилганлигига алоҳида аҳамият берилади.

Қисқа муддатли молиявий инвестицияларни аудиторлик текширувидан ўтказишда аудиторлик ташкилотлари текширувнинг қуйидаги асосий йўналишларини ўзлари учун ажратиб олишлари лозим:

- Бошқа корхоналарнинг устав капиталларига қилинган инвестициялар аудити;
- Биргаликдаги фаолиятга қилинган инвестициялар аудити;
- Қарзларга қилинган қўйилмалар аудити.

Аудитнинг ушбу йўналишларини таҳлил қилган ҳолда эса унинг қуйидаги қўшимча вазифаларини ажратиб олиш мумкин:

- Узоқ ва қисқа муддатли молиявий инвестициялар ҳисобининг бир-биридан алоҳида ҳамда тўғри юритилаётганлигини тасдиқлаш;
- Бошқа корхоналарнинг устав капиталларига ва биргаликдаги фаолиятга қилинган инвестицияларни ҳужжатли расмийлаштирилишининг тўғрилигини тасдиқлаш;
- Молиявий инвестициялардан олинадиган даромадларнинг тўғрилигини ва ўз вақтидалигини ўрнатиш, ҳамда белгилаш;

- Қисқа муддатли молиявий инвестициялар ва пул эквивалентлари ҳисобининг бир- биридан алоҳида ҳамда тўғрилигини таъминлаш;
- Қисқа муддатли, узоқ муддатли молиявий инвестицияларнинг ҳамда пул эквивалентларининг бухгалтерия ҳисоботларида, шу жумладан молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттирилаётганлигини тасдиқлаш.

Мазкур молиявий инвестицияларнинг салмоқли қисмини жаҳон амалиётида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ташкил қилади. Уларнинг миллий қонунчилигимизда берилган таърифларига алоҳида тўхталиб ўтамыз:

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июльдаги “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунининг 3 моддасига кўра:

Қимматли қоғозлар — ҳужжатлар бўлиб, улар бу ҳужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайди, дивидендлар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутлади. Қимматли қоғозларнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланади;

Қимматли қоғозлар бозори — юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи билан боғлиқ муносабатлари тизими;

Қимматли қоғозларнинг функцияларига инвестиция, рағбатлантирувчи, хусусийлаштирувчи, инфляцияга қарши турувчи каби функциялар киритилади. Ижтимоий ҳимоя қилувчи қимматли қоғозларнинг инвестиция функциясининг моҳияти шундан иборатки, қимматли қоғозлар айрим олинган тармоқларда вужудга келтирилиши мумкин бўлган капитал қўйилмалар ва молиявий тақчилликнинг олдини олишга ёрдам беради; техникавий ва қайта реконструкцияни амалга оширишга имкон беради; бозор инфраструктураси объектларининг нормал ишлашини таъминлайди.

Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитини ўтказишга киришишдан олдин аудитор молиявий ахборотларни олишнинг асосий манбааларини аниқлаб олиши лозим. Қуйида аудитнинг ахборот манбааларини таснифлашнинг турли йўналишларини келтириб ўтамиз.

Қисқа муддатли молиявий инвестицияларни аудиторлик текширувидан ўтказишда фойдаланиладиган ахборот манбааларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Молиявий инвестициялар ҳисоби бўйича бирламчи ҳисоб ҳужжатлари:
 - Бошқа корхоналарнинг устав капиталларига қўйилмаларни акс эттирувчи қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари;
 - Биргаликдаги фаолиятга қўйилмаларни акс эттирувчи қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари;
 - Бошқа корхоналарга қилинган инвестициялар суммалари тўғрисида маълумотлар;
 - Қимматли қоғозларни қабул қилиш- топшириш ҳужжатлари;
 - Тўлов ҳужжатлари ва банк кўчирмалари;
 - Кирим ва чиқим касса ордерлари ва бошқа қисқа муддатли молиявий инвестицияларга оид бухгалтерия ҳисобининг бирламчи ҳужжатлари.
2. Шартномалар бўйича томонларнинг мажбуриятларини белгиловчи ҳужжатлар:
 - Таъсис ҳужжатлари;
 - Акционерлар реестрларидан кўчирмалар;
 - Таъсисчилар, директорлар кенгаши, акционерлар умумий йиғилишининг баённомаларидан кўчирмалар;
 - Акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;
 - Қарз шартномалари;
 - Биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномалар.

3. Ҳисоб регистрлари: бош китоб, журнал ордерлар, қайдномалар, машинограммалар.

4. Инвентаризация бўйича ҳисоб ҳужжатлари:

- Инвентаризация комиссиясини тузиш тўғрисидаги буйруқ;
- Инвентаризация натижалари бўйича таққослаш қайдномлари;
- Қимматли қоғозларнинг инвентаризация опислари, қатъий ҳисобдаги бланкалар ва бошқалар.

5. Бошқа ҳужжатлар, масалан, қимматли қоғозлар ҳисоби китоблари ва бошқалар.

Бошқа корхоналарнинг устав капиталларига, биргаликдаги фаолиятга, ҳамда қарз кўринишида қилинадиган молиявий инвестициялар қуйидагилар билан амалга оширилиши мумкин:

- Пул маблағлари билан;
- Қимматли қоғозлар билан;
- Товар моддий захиралар билан;
- Асосий воситалар ёки номоддий активлар билан;
- Бошқа шаклдаги мол-мулк билан.

Янги жамиятга таъсис қилинаётганда акцияларни сотиб олиш учун киритилаётган мол-мулкнинг пулдаги ифодаси таъсисчиларнинг ўзаро келишувларига боғлиқ.

Ушбу ахборот манбааларини яна қуйидагича ҳам гуруҳлашимиз мумкин:

молиявий инвестицияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва солиққа тортишни, ҳамда аудиторлик текширувидан ўтказишни тартибга соладиган меъёрий ҳужжатлар;

молиявий инвестициялар ҳисоби бўйича бирламчи ҳисоб ҳужжатлари;

корхонанинг молиявий ҳисоботлари;

шартнома ва битимлар бўйича томонларнинг мажбуриятларини ҳосил қилувчи ҳужжатлар;

инвентаризация натижалари бўйича бирламчи ҳисоб ҳужжатлари;
корхонанинг ҳисоб сиёсати;
молиявий инвестицияларни ҳисобга оладиган синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари;

бошқа молиявий инвестицияларга оид ахборотлар.

Корхонанинг ҳисоб сиёсати орқали аудитор қуйидагилар билан танишиши мумкин:

Молиявий инвестициялар бўйича кадрсизланиш учун резерв ташкил қилиш ва унинг ишлатилиши;

бошқа корхоналарнинг устав капиталида иштирок этишдан олинган даромадларни оддий ёки операцион фаолиятдан олинган даромадлар қаторида тан олиш;

молиявий инвестицияларни акс эттириш учун фойдаланиладиган ишчи счётлар режаси;

қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби шакли ва корхона бухгалтериясида тузиладиган ҳисоб регистрлари рўйхати;

молиявий қўйилмаларни ҳисобга олиш билан боғлиқ дастлабки ҳужжатларнинг ҳужжатлар айланиши (ҳужжатлар айланиш графиги) билан;

корхонанинг молиявий инвестициялари, қарз шартномаларини расмийлаштиришга рухсат этилган шахслар рўйхати;

молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш учун корхона томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган дастлабки ҳужжатлар шакллари;

Бухгалтерия ҳисобининг ягона журнал-ордер шаклидан фойдаланадиган корхоналарда журнал-ордерлар қўлланилиб, уларда ҳисобга қабул қилинган дастлабки ҳужжатлардаги ахборотлар тўпланади ва муомалалар акс эттирилади.

Молиявий инвестицияларни ҳисобга олишда компьютер дастурларидан фойдаланилганда счётлар бўйича дебет ва кредит

оборотларининг босмадан чиқарилган ёзма нусхасининг маълумоти тузилади.

Молиявий инвестицияларнинг аналитик ҳисоб регистри сифатида «Қимматли қоғозларни ҳисобга олиш дафтари»дан маълумотлар олиш тавсия этилади.

Қимматли қоғозлар бўйича муомалалар қуйидаги ҳужжатларга асосан амалга оширилади: таъсис шартномаси (бошқа корхоналар устав капиталига инвестициялар қилишда), қимматли қоғозлар олди-сотти шартномаси, қарз шартномаси, депозит жамғарма учун шартнома, қимматли қоғозларни гаровга қўйиш шартномаси, оддий ширкат шартномаси (ҳамкорликдаги фаолият шартномаси) ва бошқалар. Аудитор ушбу кўрсатилган шартномалар қоидаларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ муомалаларни тартибга соладиган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мос келишини текшириши лозим.

Молиявий инвестициялар аудитида маълумот манбаси сифатида фойдаланиладиган дастлабки ҳужжатларга қуйидагилар киради: қимматли қоғозларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳамкорликдаги фаолиятга қўшиладиган улушни қабул қилиш-топшириш далолатномаси, умумий ишни юритувчи ҳамкор томонидан мулкларни қабул қилиш тўғрисидаги авизо, пул шаклидаги улушларни ўтказиш тўғрисидаги тўлов-топшириқномаси ва банк кўчирмаси (нақд пулсиз ҳисоб-китобларда) ёки касса чиқим ордери ва касса қирим ордерининг квитанцияси (нақд пуллик ҳисоб-китобларда), қимматли қоғозлар қийматини тўлаш учун бериладиган мулклар (активлар)ни расмийлаштириш счет-фактураси ва накладнойи, қимматли қоғозлар ва қатъий ҳисобда турадиган бланкаларнинг инвентаризация рўйхати ва бошқа ҳужжатлар.

Республикамиз амалиётида узоқ муддатли молиявий инвестицияларни йўналтиришнинг асосий воситаси акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларини харид қилиш ҳисобланмоқда.

Корхонанинг шўъба корхоналар, кўшма корхоналар ва қарам бирлашмаларга инвестициялари мавжудлиги уларнинг бухгалтерия ҳисобида алоҳида туркумларга ажратилишини тақозо этади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан корхона, ташкилот ва муассасаларда мавжуд маблағлардан самарали фойдаланиш, корхона ихтиёридаги активлар самарадорлигини максимал даражада кўтариш асосий вазифа бўлиб ҳисобланади. Чунки маблағлардан самарали фойдаланиш корхона активлари унумдорлигини оширишда ва бу орқали максимал даражада фойда олишда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтказиш ва тармоқлар иқтисодини изчил ривожлантириш инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир. Бугунги кунда инвестицияларни бозор иқтисодиётига мослаштириш ва инвестицион фаолиятни бошқариш ўзгача ёндошишларни талаб этмоқда. Чунки хўжалик юритишнинг замонавий йўлини танлаш инвестицион сиёсатни ҳам тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Инвестицион сиёсатни амалга оширишда бозор муносабатларига мос дастаклардан фойдаланиш, яъни инвестицион жараён қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериш; мамлакатда инвесторлар учун тўлақонли рақобатни таъминлаш; молиявий, моддий ва ақлий бойликларни бошқаришда батамом эркин ҳаракат қилиш ва шунга тенглаштирилган тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий инвестициялар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Молиявий инвестициялар юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрида мавжуд бўлган бўш пул маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

1.2. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитининг ўзига хос хусусиятлари

Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитининг мақсади, вазифалари, ахборот манбаалари ва текширув объектлари аниқ белгиланган сўнг аудитор Ўзбекистон Республикаси 3 сонли аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (АФМС) “Аудитни режалаштириш” асосида аудитнинг ушбу объекти бўйича дастурини тузишга киришади. Бунда қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитини режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади. Унга кўра аудитор ушбу аудитни ўтказиш босқичида текширилиши ва аудитнинг умумий дастурига киритилиши лозим бўлган саволларни аниқлаб олади. Бундай саволларга қуйидагилар киритилади:

- қимматли қоғозларнинг сақланиши учун жавобгар шахслар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномаларнинг (агар мазкур қимматли қоғозлар корхона кассасида сақланса) мавжудлигини текшириш;
- қимматли қоғозларни рўйхатга олиш Китобининг мавжудлигини текшириш;
- молиявий ҳисоботлар ва ҳисоб регистрлари сальдоларининг ўзаро мос келишини текшириш;
- қисқа муддатли молиявий инвестициялар бўйича бирламчи ҳисоб ҳужжатларини тўғри расмийлаштирилишини текшириш;
- ҳўжалик муомалаларини бухгалтерия ҳисоби счетларида акс эттиришнинг тўғрилигини текшириш;
- молиявий инвестицияларнинг инвентаризациясини тўғри ўтказилганлиги ва унинг натижаларини тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш;
- қисқа муддатли молиявий инвестициялар таркибида ҳисобга олинadиган объектлар ва уларни сўндириш муддатларининг

мувофиқлиги (даромад олиш муддатлари), уларни ҳисобда акс эттириш;

- қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг аналитик ҳисобини ташкил қилиш;

- қисқа муддатли молиявий инвестицияларга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;

- қимматли қоғозларнинг харид қийматини тўғри кирим қилинишини текшириш;

- қимматли қоғозларни жисмоний шахслардан сотиб олганда улардан ушлаб қолинадиган даромад солиғини тўғри ҳисоб чиқарилишини текшириш;

- қимматли қоғозларни чиқим қилишда уларнинг бухгалтериядаги қийматини номинал қийматигача етказишнинг тўғрилигини текшириш;

- қимматли қоғозларни чиқим қилиниши ва бухгалтерия ҳисоби, ҳамда солиққа тортиш мақсадларида уларнинг молиявий натижаларини ҳисобдан чиқарилиши операцияларини акс эттириш;

- иш ҳақини қимматли қоғозлар билан тўланиши ҳолатларида, ҳамда жисмоний шахсларга, шу жумладан ўз ходимларига қимматли қоғозларни бороз ёки баланс баҳосидан арзонроқ сотилганда даромад солиғини тўғри ҳисобланишини текшириш;

- қисқа муддатли молиявий инвестициялар бўйича ва уларга оид операциялар бўйича фойда солиғини ҳисоблаб чиқишнинг тўғрилигини текшириш;

- алоҳида саволларни қўшимча текшириш учун бошқа аудиторларга бериладиган ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш;

- аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш ва уни аудиторлик гуруҳи раҳбарига топшириш.

Аудиторлик текшируви 3 сонли аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини ҳамда юқорида келтирилган саволларни ўз ичига олган

аудитни ўтказиш дастури асосида амалга оширилади. Бундай дастурни намунавий кўринишини қуйида келтириб ўтамиз:

1-чизма

Аудит дастури

Аудит бўлими:	Қисқа муддатли молиявий инвестициялар
Текширилаётган ташкилот	ОАЖ «АБС»
Аудит даври	14.03.13 - 25.03.13
Киши-соатлар сони	82
Аудиторлик гуруҳи раҳбари	Дехканов С.И.
Аудиторлик гуруҳи таркиби	Шарипов Г.Р., Ахмедов В.Т., Салимов Д.Г.
Режалаштирилаётган аудиторлик хатари	0.0166
Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси	10 000 сўм

№	Аудиторлик тадбирлари руйхати	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Аудиторнинг иш хужжатлари	Изохлар
Хужжатларни олиш					
А.Назорат воситалари тестлари					
1.	Ички назорат тизими бўйича тест ўтказиш (ИНТ)	14.03.2013	Шарипов Г.Р.	Саволнома	
2.	Бухгалтерия ҳисоби тизими бўйича тест ўтказиш (БХТ)	14.03.2013	Шарипов Г.Р.	Саволнома	
3.	Бухгалтерия ҳисоби мақсади учун тузилган ҳисоб сиёсатининг таҳлили	14.03.2013	Ахмедов В.Т.	Саволнома	
4.	Солиқ ҳисоби мақсади учун тузилган ҳисоб сиёсатининг таҳлили	14.03.2013	Ахмедов В.Т.	Саволнома	
5.	Бухгалтерия баланси ва бухгалтерия ҳисоб регистрларидаги кўрсаткичларнинг бир хиллигини текшириш	14.03.2013	Салимов Д.Г.	Саволнома	
6.	Аудиторлик танлаш ҳисоб китоби	15.03.2013	Дехканов С.И.	Ҳисоб-китоблар	
7.	Танлаб олиш миқдори ва тузилиши	15.03.2013	Дехканов С.И.	Ҳисоб-китоблар	
8.	Монетар танлаб олишни тузилишинг	15.03.2013	Дехканов С.И.	Ҳисоб-китоблар	

№	Аудиторлик тадбирлари руйхати	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Аудиторнинг иш хужжатлари	Изох- лар
Б.Моҳияти бўйича муолажалар					
1.	Ҳақиқий бор молиявий қўйилмаларни текшириш	16.03.2013	Шарипов Г.Р.	Корхона ҳисоб сиёсати, Низоми, таъсис ҳужжат- ларини нусхаси, акцио- нерлар реестридан ку- чирма, акция, облигация, вексел ва бошқа қиммат- ли қоғозларнинг серти- фикати, қимматли қоғоз- ларни олди-сотди шарт- номаси, қабул қилиш топшириш далолатнома- си иловаси, қарз шартно- маси, қимматли қоғоз- ларни рўйхатдан утка- зиш китоби, бош китоб; баланс;	
2.	Молиявий қўйилмаларда ҳужжатларни тўғри йўритилишини текшириш	17.03.2013	Шарипов Г.Р.		
3.	Молиявий қўйилмаларнинг далолатномаларини мезонга мос келишини текшириш.	18.03.2013	Ахмедов В.Т.		
4.	Молиявий қўйилмалардан ҳисобланган даромадни ва ҳисобини тўғрилигини текшириш.	19.03.2013	Салимов Д.Г.	Корхона ҳисоб сиёсати Низоми, таъсис ҳужжат- ларини нусхаси, ишни биргаликда қилиш шарт- номаси, қабул қилиш топшириш далолатнома- си иловаси	
5.	Молиявий қўйилмаларда муомала ҳисобининг тўлиқ қайтишини текшириш.	20.03.2013	Шарипов Г.Р.	Бирламчи ҳужжатлар, 0600, 5800 счётлар бўйича ҳисоб реестри, бош китоб; баланс;	
6.	Ҳисоб сиёсатида молиявий қўйилмаларни нарх ҳисоб-китобини тўғрилигини текшириш	21.03.2013	Ахмедов В.Т.	Ҳисоб сиёсати, бирлам- чи ҳужжатлар, 0600,5800 счётлар бўйича ҳисоб реестри, бош китоб; баланс;	
7.	Қисқа ва узоқ муддатли молиявий қўйилмаларни қандай тўғри таснифланишини текшириш.	22.03.2013	Салимов Д.Г.	Ишни биргаликда олиб бориш шартномаси; 0600,5800 счётлар бўйича ҳисоб реестри, бош китоб; баланс;	

№	Аудиторлик тадбирлари руйхати	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Аудиторнинг иш хужжатлари	Изох- лар
8.	Ҳамма муҳим маълумотларни ҳисоботда очиб ташлашни текшириш.	23.03.2013	Ахмедов В.Т.	0600,5800 счётлар буйича ҳисоб реестири, бош китоб; баланс;	
С. Бўлим бўйича якуний маълумотлар					
	1.Хато ва камчиликларнинг тахминий рўйхати	24.03.2013	Шарипов Г.Р.		
	2. Тизимли (системали) камчиликлар тўғрисида маълумот	24.03.2013	Шарипов Г.Р.	Ҳисоб-китоб маълумотномаси	
	3. Меъёрий ҳужжатлар бўйича аниқланган камчиликлар рўйхати	25.03.2013	Дехканов С.И.	Ҳисоб-китоб маълумотномаси	
	4. Аудит бўлими бўйича хулоса	25.03.2013	Дехканов С.И.	Ҳисоб-китоб маълумотномаси	

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Маликов П.Н.

Аудиторлик гуруҳи раҳбари

Дехканов С.И.

Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитида юқоридаги аудитни ўтказиш дастуридаги саволларга жавоб топиш, яъни аудиторлик далилларни тўплаш, ҳамда уларни ҳужжатлаштириш 3 босқичда амалга оширилади.

Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудити аудитнинг бошқа сегментларидан ўзига хос маълумот манбаалари, методлари, муҳимлиги, аҳамияти, аудит дастурида қўйиладиган саволлар, аудиторлардан молиявий инвестициялар ва улар билан боғлиқ бошқа операцияларга оид юқори малака талаб қилиши, ҳамда бошқа хусусиятлари билан фарқланади. Шу билан бирга унинг бошқа аудитнинг сегментлари билан умумий жиҳатлари ҳам мавжуд. Хусусан, қисқа муддатли молиявий

инвестициялар аудитида ҳам аудитнинг бошқа объектлари каби текширув ишлари кетма-кетлигини 3 босқичга бўлиш мумкин:

- 1 босқич танишув босқичи;
- 2 босқич асосий босқич;
- 3 босқич якунловчи босқич каби.

Мазкур босқичларни амалга оширишда қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитининг ўзига хос хусусиятлари кўринади. Хусусан, 1 босқичда қимматли қоғозларнинг сақланиши учун жавобгар шахслар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномаларнинг (агар мазкур қимматли қоғозлар корхона кассасида сақланса) ҳамда қимматли қоғозларни рўйхатга олиш Китобининг мавжудлиги текширилади.

Аудиторлик текширувининг 2-асосий босқичида эса энг аввало молиявий ҳисоботлар ва ҳисоб регистрлари кўрсаткичларининг тенглиги текшириб кўрилади. Шундан сўнг, қисқа муддатли молиявий инвестициялар ҳисоби бўйича бирламчи ҳужжатларни расмийлаштириш, хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби счетларида тўғри акс эттирилиши, уларнинг инвентаризациялари тўғри ўтказилганлиги, ҳамда инвентаризация натижаларининг лозим даражада бирламчи инвентаризация ҳужжатларида ва бухгалтерия операцияларида акс эттирилиши, қисқа муддатли молиявий инвестициялар таркибида ҳисобга олинadиган объектлар ва уларни сўндириш муддатларининг мувофиқлиги (даромад олиш муддатлари), уларни ҳисобда акс эттирилиши, қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг аналитик ҳисобини ташкил қилиниши, қисқа муддатли молиявий инвестицияларга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, қимматли қоғозларнинг харид қийматини тўғри кирим қилинишини текшириш, қимматли қоғозларни жисмоний шахслардан сотиб олганда улардан ушлаб қолинadиган даромад солиғини тўғри ҳисоб чиқарилишини текширилиши, қимматли қоғозларни чиқим қилишда уларнинг бухгалтериядаги қийматини номинал қийматигача етказишнинг тўғрилиги, қимматли

қоғозларни чиқим қилиниши ва бухгалтерия ҳисоби, ҳамда солиққа тортиш мақсадларида уларнинг молиявий натижаларини ҳисобдан чиқарилиши операцияларини акс эттирилиши, иш ҳақини қимматли қоғозлар билан тўланиши ҳолатларида, ҳамда жисмоний шахсларга, шу жумладан ўз ходимларига қимматли қоғозларни бороз ёки баланс баҳосидан арзонроқ сотилганда даромад солиғини тўғри ҳисобланиши, қисқа муддатли молиявий инвестициялар бўйича ва уларга оид операциялар бўйича фойда солиғини ҳисоблаб чиқишнинг тўғрилиги кабилар текширилади.

Аудиторлик текширувининг 3-якуний босқичида эса алоҳида саволларни қўшимча текшириш учун бошқа аудиторларга бериладиган ҳужжатлар тўплами тайёрланади, ҳамда аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш ва уни аудиторлик гуруҳи раҳбарига топшириш ишлари амалга оширилади.

1.3. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитининг назарий масалалари

Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитининг назарий масалаларига тўхталар эканмиз, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилаётганлиги ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги тўғрисида ўз фикрини асослаши учун аудиторлик далилларини аудитор кўйидаги аудиторлик амалларини ўтказиш орқали олиши лозим:

- текширув даври давомидаги айланма қайдномаларни, ҳамда счетлар бўйича қолдиқларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини ҳар бир элементи бўйича текшириш;
- таҳлилий амаллар;
- ички назорат тизимини тестлаш орқали;

- ва бошқа Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 3 апрелдаги 48 сонли буйруғи билан тасдиқланган “Аудиторлик далиллар” номли 50 сонли АФМСда кўрсатилган аудиторлик далил олиш амаллари орқали.

Аудиторлик далиллари тўплаб, аудитор битта хўжалик муомаласи текширилаяптими ёки бир нечтаси бўлишидан қатъий назар, бир ёки бир неча амалларни қўллаши мумкин. Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятининг ушбу сегментини текширишда аудитор “Аудиторлик далиллар” номли 50 сонли аудиторлик фаолиятининг миллий стандартининг 21 бандида кўрсатилган амаллар, хусусан назоратлаш, кузатиш, сўров, ҳисоблаш, таҳлилий амалларни ўтказиш орқали аудиторлик далилларни тўплаши лозим.

Аудиторлик текширувисиз амалда тўғри ҳамда илмий асосланган инвестицион қарорларни қабул қилиш мумкин эмас. Чунки:

1) инвестицион фаолиятини бошлашдан олдин инвестицион лойиҳани қопланиши ва унинг самарадорлигини таҳлил қилиш зарур;

2) инвестицион лойиҳани ҳаётга тадбиқ этиш мобайнида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш ҳамда режада белгиланганидан ҳақиқатдагининг фарқини таҳлил қилиш зарур;

3) инвестицион лойиҳа тугаганидан сўнг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида аудит текшируви ўтказилади, шу асосда инвестиция фаолияти бўйича бошқарув қарори қабул қилинади.

Бухгалтериядан олинган ахборотни фақат чуқур таҳлил қилиш ва аудитдан ўтказиш асосидагина хўжалик юритувчи субъектнинг инвестиция фаолияти натижаларини холис баҳолаш, қўйилган мақсадларга эришиш йўли орқали уни янада ривожлантириш истикболларини ишлаб чиқиш мумкин.

Аудит молиявий инвестиция фаолиятининг қуйида санаб ўтилган барча вазифаларини амалга оширишда катта муҳим ўрин тутди:

- режалаштириш учун - энг яхши инвестицион дастурни танлаб олиш учун унинг вариантларига баҳо берилади;

- тахминлаш учун - хўжалик субъектининг молия стратегияси вариантларини танлаш ишлаб чиқилади ва асосланади;

- ташкил этиш учун - хўжалик субъекти инвестицияларини бошқаришнинг энг самарали тузилмасини танлаш учун вариантлар баҳоланади;

- мувофиқлаштириш учун - хўжалик субъектлари маънавий инвестицияларини бошқариш тизимининг барча бўғинларида ишларнинг келишилганлигини таъминлайди;

- тартибга солиш учун - қўйилган мақсадлардан четга чиқиш ҳолатларини ўз вақтида бартараф этишда ёрдамлашиш мақсадида бундай ҳолатлар тезкорлик билан аниқланади;

- рағбатлантириш учун - рағбатлантиришнинг амалдаги тизимлари, уларнинг хўжалик субъекти фаолияти кўрсаткичларига таъсир кўрсатиш самарадорлиги ўрганилиши таъминланади;

- назорат учун - молиявий ахборотларнинг ҳаққонийлиги, молия ишларининг йўлга қўйилганлиги, молиявий режаларнинг бажарилиши ва умуман олганда, бошқарув қарорларининг ижро этилиши текширилади.

Хўжалик субъектларининг молиявий инвестиция фаолиятини бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттириш ҳамда молиявий таҳлил қилишни чуқурлаштириш, унинг методик усуллари янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мамлакатнинг бозор иқтисодиётига муваффақиятли ўтишининг муҳим шартлари ҳисобланади.

Бозор муносабатларини шакллантириш шароитида фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг инвестиция ресурсларини бошқаришда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг аҳамияти тобора ортиб бораётгани туфайли, уларнинг назарий ва услубий муаммоларини тадқиқ қилиш долзарб масалага айланди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан корхона, ташкилот ва муассасаларда мавжуд маблағлардан самарали фойдаланиш, корхона ихтиёридаги активларнинг самарадорлигини максимал даражада кўтариш асосий вазифа бўлиб ҳисобланади.

Чунки маблағлардан самарали фойдаланиш корхона активлари унумдорлигини оширишда ва бу орқали максимал даражада фойда олишда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиши ва тармоқлар иқтисодини изчил ривожлантириш инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир.

Албатта, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда молиявий инвестициялар ва улар бўйича олинган даромадларни тўғри ҳисобга олиш, уларнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш ва ҳисобини таъминлаш, инвестициялар самарадорлигини таҳлил этиш ҳамда аудитини ўтказиш муҳим ўрин тутди. Аудитнинг услубий муаммоларини бартараф этиш ҳамда такомиллаштириш долзарб вазифаларимиздан бири бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда инвестицияларни бозор иқтисодиётига мослаштириш ва инвестицион фаолиятни бошқариш ўзгача ёндошишларни талаб этмоқда. Чунки хўжалик юритишнинг замонавий йўлини танлаш инвестицион сиёсатни ҳам тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Инвестицион сиёсатни амалга оширишда бозор муносабатларига мос дастаклардан фойдаланиш, яъни инвестицион жараён қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериш; мамлакатда инвесторлар учун тўлақонли рақобатни таъминлаш; молиявий, моддий ва ақлий бойликларни бошқаришда батамом эркин ҳаракат қилиш ва шунга тенглаштирилган тадбирларни амалга оширишни талаб қилади.

Молиявий инвестициялар аудитини замон талаблари ва талаб даражасида ташкил қилиш учун, аввало уларни ҳисобга олишнинг вазифалари қуйидагилардир:

- узоқ ва қисқа муддатли молиявий инвестицияларни ҳамда улар бўйича олинган даромадларни ўз вақтида тўғри аниқланишини текшириш;
- узоқ ва қисқа муддатли молиявий инвестициялар учун ажратилган маблағларни ўз вақтида ҳисобдан чиқарилишини текшириш;
- молиявий инвестициялар аудитида аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти ва аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартини кенг қўллаш;
- узоқ муддатли молиявий инвестициялардан олинган даромадларнинг корхона молиявий натижаларида тўғри акс эттирилишини текшириш;
- молиявий инвестициялардан олинган даромадлардан бюджетга тегишли қисмини амалдаги меъёрий ҳужжатларга, солиқ кодексининг талабига мувофиқ тўғри ҳисобланишини, бюджетга тегишли қисмини ўз вақтида ўтказишилишини текшириш;
- узоқ ва қисқа муддатли молиявий инвестициялар ҳисобига келиб тушган маблағлардан корхонани кенгайтириш, ривожлантириш ва корхона жамоаси эҳтиёжи учун ишлатилишини унинг таъсис ҳужжатлари ва амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ амалга оширилаётганлигини текшириш.

Корхоналарда молиявий инвестициялар аудити юзасидан кўпгина назарий муаммолар мавжуд. Қуйида ушбу муаммоларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамыз:

Аудиторлик текширувини бошлашдан олдин аудиторлик ташкилоти мижоз корхона фаолияти билан танишиши, ҳамда ушбу мижоз корхонага аудиторлик ёки бошқа профессионал хизматлар кўрсатиш учун унда зарур ресурслар мавжудлигини аниқлаб олиши лозим. Натижада аудиторлик ташкилоти мазкур мижоз билан аудиторлик хизмати ёки бошқа профессионал хизматлар кўрсатиш учун ўз имкониятини баҳолайди ва иши сифатини қисман таъминлайди. Аудиторнинг иши сифатини юқори бўлиши ташкилотда қўлланиладиган ички сиёсат ва амалларнинг самарали қўлланилишининг мунтазам назорат қилинишига боғлиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси 5 сонли Аудиторлик фаолиятининг миллий

стандарти “Аудитор иши сифатини назорат қилиш” деб номланади, ҳамда аудиторлар иши сифати устидан назорат қилиш меъёрларининг аниқланиши ва белгиланиши мазкур стандартнинг мақсади бўлиб ҳисобланади. Мазкур стандартнинг 13 бандига кўра ташқи назорат амалдаги қонунчиликда ва меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилганидек, давлат органлари томонидан амалга оширилиши назарда тутилган.

Фикримизча, молиявий инвестициялар аудитида аудитор иши сифатини ташқи назорат қилишнинг аҳамияти жуда юқори бўлиб, бундай назорат миллий стандартимизда назарда тутилган давлат органларидан ташқари профессионал аудитор ва бухгалтерларнинг жамоат бирлашмалари томонидан ёки молиявий инвестициялар аудити соҳасида етарли малака ва тажрибага эга бўлган бошқа аудиторлик ташкилотлари томонидан шартномалар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Айниқса бундай назорат штатдаги аудиторлар сони кўп бўлмаган кичик корхоналар учун жуда зарур.

Қолаверса, миллий стандартларимизда аудитор иши сифатини якуний назорат қилиш амали назарда тутилмаган бўлиб, бундай якуний назорат аудиторлик текширувига бевосита алоқадор бўлмаган мустақил ҳамда малакали аудитор томонидан амалга оширилиши лозим. Натижада, аудиторлик ҳисоботи ва хулосасидаги мавжуд қонунчилик талаблари, ҳамда аудитор томонидан йўлланаётган якуний хулосанинг мавжуд ҳолатга мос келиши яна бир бор текширилади ва йўл қўйилган камчиликларни аудиторлик ҳисобот ва хулосаси расман жўнатилгунча аниқлаш, тузатиш имкони туғилади. Бундай амаллар аудитнинг 1 сонли ҳамда 220 сонли халқаро стандартларида ҳам назарда тутилган.

I боб бўйича хулоса

Юқорида кайд этилганлар асосида молия бозорларини барқарорлаштириш шароитида қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитининг аҳамияти, вазифалари ва назарий асослари бўйича шундай

хулоса қилиш мумкинки, молиявий инвестициялар аудити ва ундаги назарий муаммолар ечими иқтисоди ривожланиб бораётган ва ривожланган мамлакатларда жуда долзарб ҳисобланади. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитида ва умуман аудиторлик текширувларида юқори малакали аудитор бўлиш учун соғлом фикрни қўллай олишни ўрганиш лозимлигини кўрдик. Бу тўғрисида аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларида ҳам бир неча марта тўхталиб ўтилган. Демак, аудиторлик текширувини ўтказишда қўлланиладиган амалларни ва улар билан болиқ назарий билимларни ўрганиш уни юқори сифатда ўтказилиши учун асос бўлади. Аммо амалиётда мазкур назарий билимларни тўлақонли қўллай олиш бироз қийинчилик туғдиради. Бундан келиб чиқадики, аудитор текширув давомида аудитнинг асосий тамойиллари, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари ва аудиторлик амалларини қўллай олишида асосий эътибор унинг профессионал фикрлай олишига қаратилади.

Мазкур боб бўйича қуйидаги таклифларни киритишимиз мумкин:

Аудитор иш сифатини назорат қилиши, қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг барча муҳим жиҳатлари бўйича тўғри ва ҳаққоний фикр билдира олиши учун аудитнинг мазкур сегментини бошқа корхоналарнинг устав капиталларига, биргаликдаги фаолиятга, қарзларга қилинган инвестициялар каби 3 гуруҳга ажратиши лозим. Натижада, аудитор ушбу 3 гуруҳ инвестициялар бўйича алоҳида аудиторлик амалларини қўллай олиши ва етарли далиллар олиш имкониятига эга бўлади.

Мазкур бобда кейинги таклиф сифатида молиявий инвестициялар аудитида аудитор иши сифатини ташқи назорат қилишда профессионал аудитор ва бухгалтерларнинг жамоат бирлашмалари томонидан ёки молиявий инвестициялар аудити соҳасида етарли малака ва тажрибага эга бўлган бошқа аудиторлик ташкилотлари томонидан шартномалар асосида амалга оширилиши лозимлиги келтирилди

II БОБ. ҚИСҚА МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР АУДИТИ АМАЛИЁТИ ҲАМДА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Корхоналарда қисқа муддатли молиявий инвестицияларни таснифлаш, ҳамда бухгалтерияга кирим қилинишини текшириш

Қисқа муддатли молиявий инвестицияларни таснифлаш ва бухгалтерияга кирим қилинишини текширишда миллий ва хорижий давлатларнинг ушбу борадаги мавжуд амалиётларини ўрганиш мақсадга мувофиқ деб қаралди. Миллий қонунчилигимиздаги молиявий инвестицияларни тўғри таснифлашга ва уларнинг ҳисобини тўғри юритиш учун асос бўладиган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга тўхталиб ўтамиз:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 16 январ 1999 йилда 596 сон билан рўйхатдан ўтган 12 бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС) “Молиявий инвестициялар ҳисоби”нинг 6 бандига кўра:

Молиявий инвестициялар – бу хўжалик юритувчи субъектнинг даромад олиши (фоиз, роялти, дивиденд ва ижара ҳақи шаклида), инвестиция капиталини кўпайиштириши ёки инвестиция қилувчи компаниянинг бошқача шакл да наф олиши мақсадида тутиб туриладиган активлар.

Қисқа муддатли (жорий) инвестициялар – муомалада бўлиш муддати 12 ойдан ошмайдиган, осон реализация қилинадиган инвестициялар.

Уларнинг синтетик (умумлашган) ҳисоби 5800-«Қисқа муддатли молиявий инвестициялар» ҳисобварағида юритилади. Ушбу ҳисобварақ муддатли бўлиб (бир йилдан ошмаган муддат ичида), хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицияларини, яъни бошқа бир корхоналарнинг қимматли қоғозлари, фоизли давлат ва маҳаллий облигациялари, шунингдек бир корхонанинг бошқа корхонага берган қарзларининг ҳолати

ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун хизмат қилади. Ушбу ҳисобварақ фоизли облигацияларга инвестициялар ва шу каби қимматли қоғозлар, шунингдек бошқа корхоналарга берилган қарзнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун хизмат қилади.

Агарда фоизли облигацияларга инвестициялар ва шу каби қимматли қоғозлар, шунингдек бошқа корхоналарга берилган қарзларни қайтариш муддати бир йилдан ошмаса, бу инвестициялар 5800-«Қисқа муддатли молиявий инвестициялар» ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади. Бундан ташқари, қайтариш (қайта сотиб олиш) муддати кўрсатилмаган бошқа қимматли қоғозлар учун инвестициялар, агар улардан даромад олиш мўлжали бир йилдан ортиқ бўлмаса ҳам корхоналар 5800-«Қисқа муддатли молиявий инвестициялар» ҳисобварағида синтетик ҳисобини олиб борадилар.

Ҳисобварақлар режасига мувофиқ ушбу ҳисобварақ бўйича қуйидаги ҳисобварақлар очилиши мумкин:

5810-«Қимматли қоғозлар»

5830-«Берилган қисқа муддатли қарзлар»

5890-«Бошқа жорий инвестициялар».

Корхоналарда 5810-«Қимматли қоғозлар» ҳисобварағида акция, давлат ва маҳаллий заёмларнинг фоизли облигацияларига бир йилдан кам муддатга қилинган инвестицияларнинг ҳолати ҳисобга олиб борилади.

Корхоналар даромадли ва барқарор фаолият юритувчи бошқа бир корхоналар акция ёки облигацияларини бир йилдан кам муддатга харид қилганда 5810-«Қимматли қоғозлар» ҳисобварағи дебетланиб, 5110-«Ҳисоб-китоб счёти», 5210-«Валюта счёти» ёки бошқа материал ва ҳар хил қийматликларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар кредитланади (агар

қимматли қоғозларнинг қиймати моддий қийматликлар билан тўланса ёки сотувчи корхонага берилса).

Ушбу қимматли қоғозларни сотиш ва қайта сотиш (қоплаш) жараёнида 9220-«Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» ҳисобварағи дебетланиб, 5810-«Қимматли қоғозлар» ҳисобварағи кредитланади.

5830-«Берилган қисқа муддатли қарзлар» ҳисобварағида корхоналарнинг бошқа бир корхонага берган қисқа муддатли қарзларининг ҳаракати ҳисобга олинади.

Ушбу берилган қарзларга қуйидагича: дебет 5830-«Берилган қисқа муддатли қарзлар» ҳисобварағи кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» ёки бошқа ҳисобварақлар ёзуви берилади.

Корхоналар берган қарзлари қайтариб берилганда 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» ёки бошқа ҳисобварақлар дебетланиб, 5830-«Берилган қисқа муддатли қарзлар» ҳисобварағи кредитланади.

5890-«Бошқа жорий инвестициялар» ҳисобварағида корхоналарнинг мамлакат ва чет эл валюталарида омонат сертификатлари, банклардаги депозит счётларга қилинган инвестицияларнинг ва бошқа жорий инвестицияларнинг ҳаракати ҳисобга олинади.

Корхоналарда 5800-«Қисқа муддатли молиявий инвестициялар» ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб инвестициялар ва объектларнинг турлари бўйича, яъни сотиб олинган қимматли қоғозлар турлари ва уларни чиқарган корхоналар бўйича юритилади.

Масалан, корхоналар 5810-«Қимматли қоғозлар» ҳисобварағида алоҳида «Давлат облигациялари», «Маҳаллий заём облигацияси», «Корхоналар облигацияси» (облигациянинг турлари бўйича), шунингдек акциянинг турлари бўйича «Оддий акциялар» ва «Имтиёзли акциялар» унинг объектлари бўйича ҳам (акцияни чиқарган корхоналар бўйича)

алоҳида аналитик ҳисобварақлар очиб, уларнинг ҳаракатини ҳисобга оладилар.

5830-«Берилган қисқа муддатли қарзлар» ҳисобварағида аналитик ҳисоб қарзларни олган корхоналар бўйича берилган қарзни қайтариб олиш муддатлари бўйича юритилади.

Корхоналарда очилган аналитик ҳисобварақлар мамлакат ҳудудидаги ва чет элдаги қисқа муддатли молиявий инвестициялар тўғрисидаги маълумот олиш имконини бериши керак.

Корхоналарда молиявий инвестицияларнинг синтетик ҳисоби уларнинг муддатида келиб чиққан ҳолда алоҳида ҳисобварақларда юритилади.

Молиявий инвестицияларни баҳолаш ва қайта баҳолашнинг умумий қоидалари Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунда ва юқорида келтирилган 12 сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида белгиланган.

Олди-сотди шартномаси бўйича қимматли қоғозлар сотиб олинганида қилинган молиявий инвестициялар инвестор учун қилинган ҳақиқий харажатлар суммасида бухгалтерия ҳисобига қабул қилинади.

Аудитор қимматли қоғозларни баҳолашни текширув чоғида 12 сонли «Молиявий инвестициялар ҳисоби» номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартининг 9-19 бандларидаги қоидаларга асосланади. Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича ҳақиқий харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади: шартномага мувофиқ сотувчига тўланадиган суммалар; қимматли қоғозларни сотиб олиш билан боғлиқ информацион ва консультацион хизматлар учун ихтисослаштирилган ташкилотлар ёки шахсларга тўланадиган суммалар; қимматли қоғозларни сотиб олишда иштирок қилган воситачи ташкилотларга тўланадиган тўловлар; қимматли қоғозлар сотиб олиш учун, уларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилгунга қадар ишлатилган қарз маблағлар бўйича фоизлар

тўлаш учун қилинган сарфлар; қимматли қоғозларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа сарфлар.

Молиявий инвестицияларни таснифлашга оид халқаро амалиёт ўрганилганда қуйидаги хулосаларга келинди:

Корхоналар одатда бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларини аниқ бўлмаган муддатга харид қиладилар. Бошқа корхоналарга қилинадиган молиявий инвестициялар қарз қимматли қоғозларини ёки улушли қимматли қоғозларни харид қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Харид қилиш мақсади ва сотиш шартларига кўра қимматли қоғозлар қуйидагича таснифланади:

- Ҳақиқий қиймати бўйича ҳисобга олинадиган ва ушбу ҳақиқий қийматининг ўзгариши фойда ёки зарарга олиб бориладиган қимматли қоғозлар (савдодаги қимматли қоғозлар) – бу турдаги қимматли қоғозлар нархларнинг қисқа муддатли тебраниши ҳисобига фойда олиш мақсадида харид қилинади;
- Сўндирилгунча ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар – уларга сўндириш муддати қайд қилинган инвестицион қимматли қоғозлар киритилади. Бунда корхонанинг бундай қимматли қоғозларни сўндириш муддати келгунча ушлаб туриш мақсади ёки имконияти мавжуд бўлиши лозим;
- Сотиш учун ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар – корхона бундай инвестицион қимматли қоғозларни ноаниқ муддат давомида тутиб туриш мақсади мавжуд бўлади, ҳамда улар ликвидлик талабларига, фоиз ставкаларининг, айирбошлаш курсларининг ёки акциялар нархларининг ўзгаришларига боғлиқ равишда сотилиши мумкин бўлади.

Қимматли қоғозларни маълум бир тоифага киритиш уларни харид қилганда амалга оширилади.

Қарзли қимматли қоғозлар – бу корхона билан кредиторлик муносабатларини акс эттирадиган инструментлар ҳисобланади. Қарз

қимматли қоғозлари давлат, муниципал қимматли қоғозлар, корпоратив облигациялар, айирбошладиган облигациялар, векселлар ва бошқа барча таъминланган қарз қимматли қоғозларини ўз ичига олади.

Қуйидаги жадвалда қарз қимматли қоғозларнинг тоифалари, уларнинг ҳисоб ва ҳисоботидаги ўзига хос томонлари акс эттирилган:

1 жадвал

Қарз қимматли қоғозларнинг тоифалари бўйича ҳисоби

Тоифаси	Акс этириладиган баҳоси	Эгалик қилишдан ҳали ишланмаган фойда ёки зарар	Фойдага бошқача таъсири
Сўндирилгунча ушлаб туриладиган	Амортизация- ланадиган қиймат	Тан олинмайди	Ҳақиқатда ҳисобланганда фоизлар; Сотишдан даромад ёки зарар
Ҳақиқий қиймати бўйича ҳисобга олинадиган ва ушбу ҳақиқий қийматининг ўзгариши фойда ёки зарарга олиб бориладиган қимматли қоғозлар	Ҳақиқий қиймат	Соф фойдада тан олинади	Ҳақиқатда ҳисобланганда фоизлар; Сотишдан даромад ёки зарар
Сотиш учун ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар	Ҳақиқий қиймат	Бевосита капитал счётида тан олинади	Ҳақиқатда ҳисобланганда фоизлар; Сотишдан даромад ёки зарар

Бунда амортизацияланадиган қиймат бу чегирма (дисконт) ёки мукофотлар амортизацияси ҳисобга олинган ҳолдаги қимматли қоғознинг харид қиймати, ҳақиқий қиймат эса молиявий инструмент жорий операцияларда манфаатдор томонлар ўртасида айирбошланиши (айирбошлаш мажбурий сотиш ёки ликвидация натижасидаги сотиш бўлмаган ҳолда) мумкин бўлган сумма ҳисобланади.

Фақатгина қарз қимматли қоғозларигина сўндирилгунча ушлаб туриладиган каби таснифланиши мумкин, чунки акциялар таърифига кўра ҳам сўндириш муддатига эга бўлмайди. Агар хўжалик юритувчи субъект

қуйидагиларга эга бўлса қарз қимматли қоғозлар сўндирилгунча ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар сифатида таснифланиши мумкин:

- 1) Қатъий мақсад;
- 2) Ушбу қимматли қоғозларни сўндиргунча ушлаб туриш имконияти.

Агар корхона қимматли қоғозларни ноаниқ муддат давомида ушлаб туриш мақсадида бўлса, у бундай қарз қимматли қоғозларни сўндиргунча ушлаб туриладиган каби таснифламаслиги лозим. Шу билан бирга, агар корхона фоиз ставкалари, хорижий валюталарнинг таваккалчилиги, ликвидлиликка бўлган талаб ёки бошқа сабабга кўра актив ва пасивларни бошқаришнинг ўзгариши билан қимматли қоғозларни сотишга зарурат пайдо бўлишини кутаётган бўлса, бундай қимматли қоғозлар сўндирилгунча ушлаб туриладиган каби таснифланмаслиги керак.

Сўндирилгунча ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар ҳақиқий қиймати бўйича эмас, амортизацияланадиган қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Агар корхона раҳбарияти маълум инвестицион қимматли қоғозларни сўндирилгунча ушлаб туриш мақсади бўлса ва уларни сотишни режалаштирмаётган бўлса, ҳақиқий қиймат (сотиш қиймати) ушбу қимматли қоғозлар билан боғлиқ пул маблағлари ҳаракатини баҳолаш ва ҳисоб-китоб қилиш учун мақбул қиймат ҳисобланмайди.

Қисқа муддатли молиявий инвестицияларни бухгалтерия ҳисобига кирим қилинишини текширишда шуларни ҳисобга олиш лозимки, молиявий инвестициялар бўйича шартнома ва операциялар қуйидаги хужжатлар асосида амалга оширилади: таъсис шартномалари (бошқа корхоналарнинг устав капиталларига инвестиция қилинган ҳолларда), қимматли қоғозларни олди-сотти шартномалари, қарз шартномалари, депозит қўйилмаси шартномалари, қимматли қоғозларнинг гаров шартномалари, оддий ширкат шартномалари (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномалар) ва бошқалар. Бунда аудитор мазкур шартномаларнинг қимматли қоғозларга оид операцияларни тартибга

солувчи бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, қонунчилик талабларига мос келишини текшириши лозим.

Мазкур ҳолатда аудиторнинг биринчи вазифаси сотиб олинган активларнинг молиявий инвестициялар таркибига киритишда тўғри таснифлашнинг амалга оширилишини текшириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига кўра активларни молиявий инвестициялар таркибига киритиш учун қуйидаги шартлар бир вақтининг ўзида бажарилиши лозим ҳисобланади:

- Корхонанинг молиявий инвестицияларга бўлган ҳуқуқини, ҳамда мазкур ҳуқуқдан келиб чиқувчи пул маблағларини ёки бошқа активларнинг олинишини тасдиқловчи, лозим даражада расмийлаштирилган ҳужжатлар;
- Молиявий инвестициялар билан боғлиқ бўлган молиявий таваккалчиликларнинг корхонага ўтиши (нархларнинг ўзгариши таваккалчилиги, қарздорнинг тўловга лаёқатсизлик таваккалчилиги, ликвидлилик таваккалчилиги ва бошқалар);
- Молиявий инвестицияларнинг корхонага келажакда фоизлар, дивидендлар ёки улар қийматининг ошишидан даромадлар кўринишида иқтисодий наф олиб келиш қобилиятининг мавжуд эканлиги. Бунда молиявий инвестицияларнинг қийматининг ошишидан даромадлар деганда уларнинг харид қиймати ва сотиш ёки сўндириш қиймати орасидаги фарқлар кўринишидаги даромадлар назарда тутилади. Бундай ҳолат молиявий инвестициялар сотилганда, айирбошланганда, ташкилотнинг мажбуриятларини сўндиришда улардан фойдаланишда, жорий бозор қийматининг ошишида кузатилади.

Молиявий инвестицияларнинг киримини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатларга қуйидагилар киритилади: қимматли қоғозларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси, биргаликдаги фаолиятга қилинган қўйилмаларни тасдиқловчи ҳужжатларни қабул қилиш-топшириш

далолатномаси, умумий ишларни юритувчи ширкат томонидан кирим қилиш авизоси, банк кўчирмалари ва қўйилмаларни пул кўринишида (нақдсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилган ҳолларда) ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов топшириқномалари, ёки чиқим касса ордерлари ва кирим қилиш ордерларига қвитанция (нақд ҳисоб-китоблар қилинган ҳолларда), қимматли қоғозлар учун тўловларни амалга ошириш мақсадида мол-мулклар (активлар)ни беришга оид юк хатлар, қимматли қоғозларнинг инвентарлаш рўйхатлари ва қатъий сақланадиган ҳужжатлар бланкалари ва бошқа ҳужжатлар.

Активларни молиявий инвестициялар таркибига олиб боришнинг тўғрилиги текширилаётганда ташкилот қимматли қоғозлар билан олди-сотти қилишга ҳуқуқи борлиги ва қимматли қоғозларга оид ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш тартибларига амал қилинаётганли аниқлаб олиниши лозим.

Қимматли қоғозлар билан ифодаланган ҳуқуқларни қайд қилиш жиҳатидан ҳуқуқлар ҳужжатли ва ҳужжатсиз шаклларга бўлинади.

Ҳужжатли шаклда қимматли қоғоз эгаси лозим даражада расмийлаштирилган қимматли қоғоз сертификатини кўрсатиш орқали ўрнатилади, агар қимматли қоғозлар депонентга олинган бўлса, депо ҳисобварағи бўйича ёзувлар асосида ўрнатилади. Бундай ҳолларда аудиторга акция сертификатлари ёки депо счёти бўйича кўчирмалар тақдим қилиниши лозим бўлади.

Ҳужжатсиз шаклда эса қимматли қоғозлар эгалари қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларини юритиш тизимидага ёзувлар асосида ўрнатилади. Бунда агар қимматли қоғозлар депонентга олинган бўлса, депо ҳисобварағидан кўчирмалар асосида ушбу ҳуқуқ ўрнатилади. Бундай ҳолларда аудиторларга мазкур рўйхат ёки депо ҳисобварағидан кўчирма тақдим қилиниши лозим.

Миллий қонунчилигимиз талабларига кўра, корхоналар қимматли қоғозларини кассасида ёки депозитарийларда (Давлат қисқа муддатли

облигациялар (ДҚМО) эмитенти фақат Молия Вазирлиги бўлиб, улар валюта биржасидаги депозитарийда) сақланади. Улар корхонада сақланганида қимматли қоғозлар бланкаларини (сертификатларини) масъул сақлаш учун корхона кассасида юритиладиган реестрнинг мавжудлигини текшириши лозим. Реестрда: қимматли қоғоз номи, номери, эмитент номи, қимматли қоғознинг номинал қиймати кўрсатилиши шарт.

Қимматли қоғозлар депозитарийларда сақланганида улар сақлаш учун берилган депозитарийнинг реквизитларини аналитик ҳисобда кўрсатган ҳолда, корхона бухгалтериясида ҳисобда акс эттирилиб борилади. Бундай ҳолда аудиторга депонент билан депозитарий ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган шартнома (депо счёти тўғрисидаги шартнома) тақдим қилиниши лозим.

Шартномада унинг предмети - қимматли қоғозлар сертификатларини сақлаш ёки қимматли қоғозлар учун ҳуқуқни ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатиш, ҳамда:

депонент томонидан унинг қимматли қоғозларини депозитарийга депонентлаш тўғрисидаги депозитарий ахборотларни бериш тартиби;

шартноманинг амал қилиш муддати;

депозитарий хизматлари учун шартномада белгиланган ҳақ тўлаш ҳажми ва тартиби;

депозитарийнинг депонентга ҳисобот бериш шакли ва даври;

депозитарийнинг мажбуриятлари аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қисқа муддатли молиявий инвестицияларни ҳисобга қабул қилиш учун асос бўлувчи ҳужжатларда муайян қимматли қоғозни сотиб олиш мақсади ва ундан фойдаланиш муддати кўрсатилиши шарт.

2.2. Қисқа муддатли молиявий инвестицияларни кирим қилингандан кейинги баҳоланиши, ҳамда чиқиб кетиши аудити

Қисқа муддатли молиявий қўйилмаларнинг корхона бухгалтериясига кирим қилинган дастлабки қийматлари қонунчиликда белгиланган ҳолларда ўзгартирилиши мумкин.

Молиявий инвестицияларни кейинги баҳоланиши мақсадида уларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин бўлади, яъни жорий бозор қийматини аниқлаш мумкин бўлган инвестициялар ва бундай қийматни аниқлашнинг имконияти бўлмайдиган инвестициялар.

Ўрнатилган тартибда жорий бозор қийматини аниқлаш мумкин бўлган молиявий инвестициялар молиявий ҳисоботларда ҳисобот даврининг охирида уларнинг дастлабки баҳоларини тузатиш орқали жорий қиймати бўйича акс эттирилади. Мазкур коррективка ўтказмаларини корхоналар ҳар ой ёки ҳар чоракда ўтказиши мумкин.

Аудитор молиявий инвестицияларни мавжуд гуруҳлар бўйича тўғри таснифланишини, ҳамда ҳисобот даврида инвестицияларнинг бозор котировкаларини тўғри аниқланишини текшириши лозим.

Молиявий инвестицияларнинг ҳисобот давридаги жорий бозор қиймати ва уларнинг илгариги баҳоси орасидаги фарқ ташкилотнинг молиявий натижаларига олиб борилиши лозим. Бунда ушбу фарқлар молиявий фаолиятнинг даромад ёки харажат ҳисобварақларига олиб борилишига эътибор қаратилиши лозим.

Жорий қийматини аниқлаб бўлмайдиган молиявий инвестициялар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ҳисобот даври учун уларнинг қадрсизланишини ҳисобга олган ҳолдаги дастлабки қиймати бўйича акс эттирилади.

Жорий қийматини аниқлаб бўлмайдиган қарз қимматли қоғозларнинг баланс қиймати уларнинг мукофот ёки чегирмаларини молиявий натижаларга уларни сўндириш муддатлари асосида самарали

фоиз ставкалари бўйича камайтириб ёки кўпайтириб борилади. Бунда аудитор амалга оширилган ҳисоб-китобларнинг ва қарз қимматли қоғозларнинг ҳисобот кунига баҳосининг тўғрилигини текширади.

Қарз қимматли қоғозлари ва берилган қарзлар бўйича корхона уларнинг дисконтланган қиймати бўйича баҳосини ҳисоблаши мумкин. Бунда бухгалтерия ҳисобида қўшимча ёзувлар амалга оширилмайди. Аудитор бундай ҳолларда молиявий ҳисоботларга қилинган эслатмаларда дисконтланган қиймат бўйича ҳисоб китобларнинг асослилигини текшириб кўриши лозим. Халқаро амалиётда ҳам қарз қимматли қоғозлар ҳисобига доир 2 хил ёндашув мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси қимматли қоғозларнинг мукофот ва чегирмаларини алоҳида ҳисобларда акс эттиришни талаб қилса, 2 хил ёндашув қимматли қоғозларни харид қиймати бўйича ягона ҳисобда акс эттиришни талаб қилади. Бунда мукофот ва чегирмаларнинг амортизацияси бевосита қимматли қоғозлар ҳисоблари билан молиявий натижалар ҳисобларининг корреспонденцияси орқали амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар бўйича олинадиган даромадлар текшириладиганда уларнинг миллий қонунчиликка мувофиқ солиққа тортиладиганлиги муҳим текширув объекти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 22 моддасига кўра:

дивидендлар - акциялар бўйича тўланиши лозим бўлган даромад; юридик шахс томонидан унинг муассислари ўртасида (иштирокчилари, аъзолари ўртасида уларнинг улушлари, пайлари, ҳиссалари бўйича) тақсимланадиган соф фойданинг ва (ёки) ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойданинг бир қисми; юридик шахс тугатилганда мол-мулкни тақсимлашдан олинган, шунингдек муассис (иштирокчи, аъзо) томонидан юридик шахсда иштирок этиш улушини (пайини, ҳиссасини) олгандаги даромадлар, бундан муассис (иштирокчи, аъзо) устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида киритган мол-мулкнинг қиймати чегирилади, тақсимланмаган фойда устав фондини (устав капиталини)

кўпайтириш учун йўналтирилган тақдирда, юридик шахс акциядорининг, муассисининг (иштирокчисининг, аъзосининг) қўшимча акциялар қиймати, акциялар номинал қийматининг ошиши, улуш (пай, хисса) қийматининг ошиши тарзида олинган даромадлари.

Мазкур Кодекснинг 129 моддасига кўра Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар жами даромаддан чегириб ташланади, ҳамда 156 моддасига кўра корхоналар томонидан олинадиган дивидендларга тўлов манбаида солиқ солинади;

Давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра ташкил қилинадиган бюджетдан ташқари жамғармаларнинг вақтинча бўш маблағларини молия бозорларида жойлаштиришдан фоизлар тарзида олинадиган даромадлар солиқ солишдан озод қилинади.

Юридик шахсдан олиниб, унинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган дивидендлар тарзидаги даромадларга солиқ солинмайди.

Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларининг ўз инвестиция портфелида турган хусусийлаштирилган корхоналар акцияларидан дивидендлар шаклида олинган даромадларига солиқ солинмайди.

160 моддага кўра Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ва тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизларига 10 фоиз бўйича солиқ солинади. Ўзбекистон Республикаси резидентлари фойда солиғини Ўзбекистон Республикаси норезидентларига дивидендлар, фоизлар ва тўловларни тўлаш санасидан кечиктирмай бюджетга ўтказиши шарт.

Мазкур Кодекснинг 165 моддасига кўра: Юридик шахслардан тўлов манбаида олинадиган фойда солиғини юридик шахслар дивидендларни

тўлаш пайтида ушлаб қолишлари шарт.

Кодекснинг 152, 153 моддаларига кўра:

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг хизматларни реализация қилишдан олинadиган даромадларига қуйидагилар киради:

1) Қимматли қоғозларни реализация қилишдан олинadиган, қуйидагича аниқланадиган даромадлар:

қимматли қоғозлар, бундан қарз қимматли қоғозлари (облигациялар, депозит сертификатлари) мустасно, ва иштирок этиш улуши бўйича - реализация қилиш қиймати ва олиш қиймати (ҳисса) ўртасидаги ижобий фарқ сифатида;

қарз қимматли қоғозлари бўйича - реализация қилиш қиймати билан реализация қилиш санасидаги дисконт амортизацияси ва (ёки) мукофот инобатга олинган ҳолда олиш қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида;

2) қимматли қоғозлар бозорида воситачилик ва бошқа хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар;

3) мижозларнинг маблағларидан фойдаланишдан юзага келадиган даромаднинг бир қисми;

4) депозитар хизматлар, шу жумладан қимматли қоғозлар тўғрисида ахборот тақдим этиш, депо ҳисобварағини юритиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар;

5) қимматли қоғозлар эгалари реестрини юритиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар;

6) қимматли қоғозлар билан биржада ва биржадан ташқарида савдоларни ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар;

7) ҳисоб-китоб-клиринг фаолияти бўйича даромадлар;

8) қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган инвестиция активларини бошқариш бўйича даромадлар;

9) қимматли қоғозлар бозорида маслаҳат хизматлари кўрсатишдан

олинадиган даромадлар;

10) профессионал фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг чегириладиган харажатларига ушбу Кодекснинг 142-146-моддаларида назарда тутилган харажатлардан ташқари қуйидагилар киради:

1) тегишли лицензияга эга бўлган савдони ташкил этувчиларга бадаллар тарзида тўланадиган харажатлар;

2) профессионал фаолиятни амалга ошириш муносабати билан пайдо бўладиган савдо қилиш жойларини сақлаб туриш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

3) қимматли қоғозлар муомаласи ва уларни ҳисобга олиш билан боғлиқ ўзаро электрон алоқани ташкил этиш ҳамда олиб бориш бўйича харажатлар;

4) қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш билан боғлиқ харажатлар;

5) ўз миждларининг топшириғига биноан акциядорлик жамиятларининг бошқарув органларида иштирок этиш харажатлари.

Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитини ўтказишда ҳар бир конкрет операцияларни текшириб кўриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки уларнинг корхона истиқболига ёки унинг молиявий натижаларига кўрсатадиган таъсири аудитда одатда муҳимлик даражасидан баланд баҳоланади. Шу сабабли қисқа муддатли инвестициялар аудитини ўтказишда уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун зарур бўлган турли ҳисоб ҳужжатлари: таъсис ҳужжатлари нусхалари, акциядорлар реестрларидан кўчирмалар, акциялар сертификатлари, веселлар, қарз шартномалари, депозит шартномалари ва бошқалар чуқур ўрганилади ва таҳлил қилинади.

Қисқа муддатли инвестициялар аудитини ўтказиш кетма-кетлиги ва унда қўлланиладиган амаллар Н. В. Парушинанинг «Аудит: аудитнинг

асослари, технологияси ва аудиторлик текширувларини ўтказиш»⁵
методикаси ўқув қўлланмасида қуйидагича тавсия қилинади:

2 жадвал

Қисқа муддатли инвестициялар аудитини ўтказиш кетма-кетлиги ва унда қўлланиладиган амаллар

Аудит ўтказиш кетма-кетлиги	Аудиторлик амаллари
Қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини ташкил қилинишини баҳолаш	Қисқа муддатли молиявий инвестицияларни инвентаризация қилиш ва уларни расмийлаштиришни ҳужжатли текшириш. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар билан амалга оширилган муомалаларнинг корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланишини текшириш; Корхона ҳисоб сиёсатининг қисқа муддатли молиявий инвестицияларни дастлабки қийматини шакллантирилиши ва уларни ҳар бир тури бўйича қадрсизланиши учун резервлар ташкил қилинишига оид қисмини текшириш ва ҳоказолар;
Қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг ҳаракатини ҳужжатли расмийлаштирилишини текшириш	Қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг ҳар бир турини таснифлаш ва таркибини таҳлил қилиш; Бирламчи ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши ва ҳужжатлаштирилишини ҳужжатли назоратлаш; Қисқа муддатли молиявий инвестицияларга оид муомалаларни қонунийлигини тасдиқланишини текшириш;
Ҳисоб ёзувлари ва синтетик ҳамда аналитик ҳисобни ташкил қилинишини текшириш	58 ва 06 счетлар бўйича айланма қайдномаларни ва уларнинг қолдиқларини тестлаш; Аналитик ҳисобнинг йўлга қўйилганлиги ва юритилишини таҳлил қилиш; Аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотларини таққослаш;
Қисқа муддатли молиявий инвестицияларни таҳлил қилиш	Қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг таркибий тузилиши ва ўзгаришини таҳлил қилиш; Қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг даромадлилигини ва самарадорлигини таҳлил қилиш ва ҳоказолар.

⁵ Н. В. Парушина Аудит: основы аудита, технология и методика проведения аудиторских проверок»
стр. 249

Қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги аудит ўтказиш услуб ва амаллари ўтказилади: инвентаризация, арифметик ҳисоблаш, ҳужжатли таҳлил амаллари, ҳисоб ҳужжатларини кузатиш, 06, 58 счетлар бўйича қолдиқ ва айланмаларни тасдиқлаш ва таҳлилий амаллар.

Қисқа муддатли молиявий инвестициялар ҳисобини ташкил қилиниши ва ҳаракатини текшириш жараёнида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- 1) Қисқа муддатли молиявий инвестицияларни инвентаризациядан ўтказиш ёки қарши томонларга ёзма сўровномалар юбориш орқали ушбу ахборотларни тасдиқлаш, қимматли қоғозларни сақланиш шароитларини таъминлаш ва инвентаризация ишларини ҳолатини баҳолаш;
- 2) Қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг йўналишлари (устав капиталига улушлар, қимматли қоғозларни сотиб олиш, қарз бериш) бўйича қилинган муомалаларнинг ҳужжатларда расмийлаштирилиши, иқтисодий самарадорлиги ва тўғрилигининг қонунийлигини баҳолаш;
- 3) Молиявий ҳисоботлардаги кўрсаткичларни тўғри шаклланганлигини тасдиқлаш учун корхонада 58 ва 06 счетлар бўйича аналитик ҳисобнинг ташкил қилинишини баҳолаш ва уларнинг таркибини ўрганиш;
- 4) 58 ва 06 счетлар қолдиқларининг ҳақиқийлигини ўрнатиш учун аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотларини таққослашни амалга ошириш, уларни корхонада ҳисобга олишда 21 бухгалтерия ҳисобининг миллия стандарти ва корхонанинг ишчи счетлар режасини мувофиқлигини аниқлаш;
- 5) Қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг дастлабки қийматини шаклланишини уларнинг белгиланган йўналишларига амалга оширилаётганлигини қонунчилик талабларига,

бухгалтерия ҳисобининг меъёрий-ҳукукий ҳужжатларига ва корхонанинг ҳисоб сиёсатиға мувофиқлигини текшириш;

6) Турли дебитор ва кредиторлар ҳамда қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромад ва харажатлар (9560, 9630) счетларидаги ёзувлар асосида қимматли қоғозларни сотиб олиш ва номинал қийматларидаги фарқларни тўғри счетларга олиб борилганлигини тасдиқлаш.

7) Қисқа муддатли молиявий инвестицияларни уларнинг жорий бозор қийматини аниқлаш мақсадида тўғри таснифланганлигини аниқлаш ва молиявий ҳисоботларда ҳисобот даврининг охири ҳолатига уларнинг жорий бозор қиймати бўйича тўғри акс эттирилганлигини тасдиқлаш;

Молиявий инвестицияларни мунтазам қадрсизланиб бориши кузатилган ҳолларда корхоналар уларнинг қийматини ўз харажатларига мунтазам бир текис ўтказиб бориш орқали инвестицияларнинг қадрсизланиши учун резерв ташкил қилади. Агар корхонанинг ҳисоб сиёсатида молиявий инвестициялар учун резерв ташкил қилиш назарда тутилган бўлса, бундай резервларни тўғри ташкил қилиниши ва уларни тегишли молиявий инвестицияларга ишлатилиши текширилиши лозим.

59 ва 06 счетлар бўйича аналитик ҳисобни ташкил қилинишини ҳар бир қимматли қоғоз ва улар учун очилган резервларни бўйича, тўғри расмийлаштирилиши, яратилган резервларни кўпайиши ва камайиш суммаларини ва уларни 06 ва 59 ва 9430 счетларга олиб борилишининг қонунийлигини текшириш лозим.

Молиявий инвестициялар 12 бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида белгиланган қуйидаги ҳолларда қайта баҳоланиши мумкин: Қисқа муддатли (жорий) инвестицияларни бозор қиймати бўйича ҳисобга олувчи хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсатида инвестициялар баланс қийматининг камайиши ёки кўпайишини даромад ёки харажат сифатида, ҳамда қуйидаги шаклда акс эттириши мумкин: Узоқ муддатли молиявий

инвестицияларни қайта баҳолаш натижасида пайдо бўлган қўшимча баҳолаш миқдори ўз сармоясига қайта баҳолашдан келган даромад сифатида қўшилади. Молиявий инвестициялар қиймати камайган тақдирда камайтириш ўз сармоёсида акс эттирилган ўша инвестицияларни баҳолаш қиймати ҳисобидан амалга оширилади. Агар молиявий инвестициялар қийматини камайтириш миқдори қайта баҳолашдан олинган даромад миқдоридан кўп бўлса, бу тафовут харажат сифатида ҳисобга олиниши лозим. Қиймати пасайтирилган инвестицияларни қўшимча баҳолаш миқдори шу инвестициялардан келган зарар қоплангандан сўнг ўз сармоёси кўпайишига киритилади. Демак, молиявий инвестицияларни кейинги қайта баҳолаш мақсадида улар жорий бозор қийматини аниқлаш мумкин бўлган, ҳамда жорий бозор қийматини аниқлаб бўлмайдиган инвестицияларга ажралади. Бунда, қонунчиликда ўрнатилган тартибда жорий бозор қийматини аниқлаш мумкин молиявий инвестициялар корхонанинг молиявий ҳисоботларида ҳисобот даври охирида илгариги қийматига тузатиш киритиш йўли билан янги жорий бозор қиймати бўйича акс эттирилади. Мазкур тузатиш ёзувларини корхоналар уларнинг раҳбари томонидан ҳисобот йилини учун тасдиқланган ҳисоб сиёсатларида кўрсатган ҳолда ҳар ойда ёки ҳар чоракда амалга оширишлари мумкин. Бундай ҳолларда аудиторнинг вазифаси мазкур таснифнинг тўғри амалга оширилганлигини, ҳамда ушбу молиявий инвестициялар жорий бозор котиировкаларининг аниқланиш тартибининг ҳисобот куни учун тўғрилигини текшириш ҳисобланади.

Жорий бозор қийматини аниқлаб бўлмайдиган молиявий инвестициялар эса бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларида дастлабки қиймати бўйича тан олиниши лозим. Бунда мазкур молиявий инвестицияларнинг қадрсизланиши мунтазам текшириб борилиши ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилиши лозим.

Жорий бозор қийматини аниқлаб бўлмайдиган қарз қимматли қоғозларининг дастлабки харид қиймати ва уларнинг номинал қийматлари

орасидаги тафовутни мазкур қимматли қоғозларнинг сўндириш муддатларига мувофиқ амортизациялаб бориш тавсия қилинади. Бундай ҳолларда аудитор амалга оширилган ҳисоб китобларнинг тўғрилигини ва қарз қимматли қоғозларнинг ҳисобот санасидаги қийматларининг молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттирилганлигини текширади. Бундай ҳисоб китобларга бир қатор тўхтаб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Халқаро амалиётда қимматли қоғозлар операциялар қуйидагича акс эттирилади:

Тасаввур қилайлик, “АБС” корхонаси 1 январ 2008 йилда “XYZ” корхонасининг номинал қиймати 100 000 сўм бўлган 8 фоизли облигациясини, 92 278 сўмга харид қилди. Бозор ставкаси 10 фоизни ташкил қилади. Облигациянинг сўндириш муддати 1 январ 2013 йилда келади, фоиз тўловларини эса 1 йилда 2 марта, 1 июл ва 1 январ ҳолатига тўлаш лозим. Чегирма (дисконт) суммаси 7 722 сўмни ташкил қилади (100 000 – 92 278). Ушбу инвестиция “АБС” корхонаси бухгалтериясида қуйидагича акс эттирилиши лозим:

1 январ 2008 йилда:

Дебет. Сўндирилгунча ушлаб туриладиган

қимматли қоғозлар

92 278 сўм

Кредит. Пул маблағлари

92 278 сўм

Номинали бўйича, чегирма ёки мукофот билан сотиб олинган инвестициялар ҳисобларда одатда брокерлик ва бошқа тўловлар билан бирга, аммо ҳисобланган фоизларсиз, таннарх бўйича ҳисобга олинади. Одатда улар сўндириладиган вақтидаги қиймати бўйича ҳисобга олинмайди, аммо молиявий ҳисоботларга қилинадиган эслатмаларда олиннадиган вексел ва облигациялар бўйича амортизация ҳисобланмаган чегирма ёки мукофотларни ёритиш тавсия қилинади. Инвестициялар учун уларнинг чегирма ёки мукофотларини алоҳида ҳисобларда акс эттиришга ижобий қаралади, аммо амалиётда бу кам ҳолларда қўлланилади.

Сўндирилгунча ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар счёти сотиб олинган қарз қимматли қоғознинг турини ифодалаш учун ишлатилади. Облигацияларга қилинган узоқ муддатли инвестициялар бўйича чегирма ёки мукофотларнинг амортизациясини қуйидаги жадвалда тўлароқ тасаввур қилишимиз мумкин:

3 жадвал

**Номинал фоиз ставкаси 8 фоиз, самарали фоиз ставкаси 10 фоиз
бўлган, номинал қиймати 100 000 сўмга тенг бўлган облигация**

Сана	Олинган пул маблағлари	Фоиз кўринишидаги даромадлар	Облигация бўйича чегирмаларга ҳисобланган амортизация	Облигациянинг баланс қиймати
01.01.08				92278
01.07.08	4000 ^a	4614 ^b	614 ^c	92892 ^d
01.01.09	4000	4645	645	93537
01.07.09	4000	4677	677	94214
01.01.10	4000	4711	711	94925
01.07.10	4000	4746	746	95671
01.01.11	4000	4783	783	96454
01.07.11	4000	4823	823	97277
01.01.12	4000	4864	864	98141
01.07.12	4000	4907	907	99048
01.01.13	4000	4952	952	100000
Жами:	40000	47722	7722	

$$^a 4000 = 100\,000 * 0,08 * 6 / 12$$

$$^b 4614 = 92278 * 0,10 * 6 / 12$$

$$^c 614 = 92\,278 * 0,10 * 6 / 12$$

$$^d 92\,892 = 92\,278 + 614$$

Самарали фоиз ставкаси орқали фоиз ҳисоблаш олинган қимматли қоғозларда ҳам, берилган қимматли қоғозларда ҳам бир хил ҳисобланади. Самарали фоиз ставкаси ёки фоиз кўринишидаги даромадлар инвестиция қилинган пайтда ҳисобланади ва фоиз кўринишидаги даромадларни ҳисоблаш учун ҳар бир фоиз ҳисобланадиган давр учун унинг бошланғич баланс қийматига нисбатан қўлланилади. Ҳар бир даврда инвестицияларнинг баланс қиймати амортизацияланган чегирма суммасига кўпайтирилади ёки амортизацияланган мукофот суммасига камайтирилади.

1 июл 2008 йил учун биринчи ярим йиллик фоиз тўловларининг олинини акс эттириш учун қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

1 июл 2008 йилда

Пул маблағлари 4000

Сўндирилгунча тутиб туриладиган

қимматли қоғозлар 614

Фоиз кўринишидаги даромадлар 4614

Илмий-тадқиқот ишимиз давомида ўрганилдики, баъзи мамлакатлар қонунчилиги корхоналарга қарз қимматли қоғозларини ва берилган қарзларни уларнинг дисконтланган қийматлари бўйича бухгалтерияга кирим қилиши мумкин. Бундай ҳолларда корхона бухгалтерияда уларнинг мукофот ёки чегирмаларини амортизация қилиш бўйича қўшимча ўтказмалар берилмайди. Агар молиявий ҳисоботларга эслатмаларда қарз қимматли қоғозларининг ёки берилган қарзларнинг дисконтланган қийматларининг ҳисоб-китоблари келтирилган бўлса, аудитор бундай ҳисоб-китобларнинг асослилигини текшириб кўриши лозим.

Молиявий инвестицияларнинг чиқими уларни сўндиришда, сотишда, текинга беришда, бошқа корхоналарнинг устав капиталига киритишда, оддий ширкат шартномасига асосан қўйилма сифатида беришда ва ҳоказоларда кузатилади.

Жорий бозор қийматини аниқлаб бўлмайдиган молиявий инвестицияларни чиқим қилишда уларнинг қиймати қуйидаги баҳолардан бири каби аниқланади:

- Молиявий инвестицияларнинг ҳар бир бирлигининг дастлабки қиймати бўйича;
- Ўртача дастлабки қиймат бўйича;
- Молиявий инвестицияларни биринчи харид қилишдаги дастлабки қиймати бўйича (ФИФО).

Молиявий инвестицияларни биринчи харид қилишдаги дастлабки қиймати бўйича баҳолаш биринчи ҳисобдан чиқариладиган қимматли қоғозларни ҳисобот даврининг бошидаги дастлабки қиймати бўйича баҳоланишини назарда тутди.

Молиявий инвестицияларнинг гуруҳлар (турлари) бўйича келтирилган усуллардан бирини қўллаш корхонанинг ҳисоб сиёсатини қўллашнинг узлуксизлиги тамойилидан келиб чиқиб амалга оширилади. Аудитор корхонанинг танланган баҳолаш усуллари назарда тутилган ҳисоб сиёсатини ўрганиши ва қайта ҳисоб-китоб қилиб кўриш орқали молиявий инвестицияларни чиқим қилиш бўйича операцияларни акс эттиришда уларга риоя қилинаётганлигини текшириб кўриши лозим.

2.3. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитида қўлланадиган аудиторлик далилларини олиш амалларини такомиллаштириш

Аудиторлик ташкилоти ва якка аудитор бухгалтерия ҳисобини юритилишининг тўғрилиги ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги тўғрисидаги фикри тасдиқланадиган асосли хулосаларни шакллантириш мақсадида лозим ва етарли далилларни олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг 50 сонли “Аудиторлик далиллар” номли миллий андозасига кўра аудиторлик далилларини хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини тестдан ўтказиш ва моҳияти бўйича текшириш амалларини ўтказиш йўллари билан олиш мумкин. Бунда ички назорат тизимининг тестлари

аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг ҳолатини баҳолаш учун аудиторлик далилларини олиш мақсадида бажариладиган амалларни ифодаласа, моҳияти бўйича текшириш амаллари аудиторлик ташкилотининг молиявий ҳисоботда хато-камчиликлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш учун аудиторлик далиллари олиш мақсадида бажарадиган амалларни ифодалайди.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик далилларини аудиторлик амалларининг бир ёки бир нечтасини бажариш йўли билан олади. Назоратлаш орқали далил олишда ёзувлар, ҳужжатлар ва моддий активларни текширилади. Кузатиш орқали далил олишда бошқа шахслар томонидан бажариладиган жараён ва ишларни ўрганилади, хусусан, аудиторлик ташкилотининг хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга ошириладиган товар-моддий заҳираларнинг инвентаризациясини кузатиш орқали олинади. Сўров ўтказиш орқали далил олишда эса хўжалик юритувчи субъект ва ундан ташқаридаги шахслардан маълумотлар йиғилади. Ҳисоблаш усули орқали далил олишда бошланғич ҳужжатлар ва бухгалтерия ёзувларидаги арифметик ҳисоб-китобларнинг аниқлигини текширилади. Таҳлилий амаллар орқали далил олишда аудиторлик ташкилоти томонидан олинган маълумотни таҳлил қилиш ва баҳолаш, бухгалтерия ҳисобида хўжалик фаолиятидаги ғайриқонуний ва нотўғри акс эттирилган ҳолатларни аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини текшириш, шунингдек, хато ва камчиликлар сабабларини суриштирилади.

Моҳияти бўйича амаллар молиявий ҳисоботлардаги муҳим тафовутларни аниқлайдиган аудиторлик далилларини олиш мақсадида ўтказилади. Мазкур текшириш амалларини қуйидаги шаклларда ўтказиш мумкин деб ҳам таснифлаш мумкин:

- Бухгалтерия ҳисоби счетларидаги маблағларнинг қолдиқларини ва муомалаларни акс эттирилишининг тўғрилигини баҳоловчи деталли тестларни ўтказиш орқали;
- Таҳлилий амалларни ўтказиш орқали.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, аудиторлик далилларини тўплаш жараёнида аудитор бир ёки бир неча хўжалик муомалалари гуруҳи текширилишидан қатъий назар бир ёки бир неча аудиторлик амалларни қўллаши мумкин.

Таҳлилий амалларни қўллаш орқали далилларни олишда мамлакатимизда Аудиторлик фаолиятининг 13 сонли “Таҳлилий амаллар” номли миллий андозасига асосланилади. Унга кўра таҳлилий амалларга қуйидагилар киради:

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботлари кўрсаткичларини унинг режадаги кўрсаткичлари билан солиштириш орқали далиллар олиш, молиявий ҳисоботларнинг амалдаги кўрсаткичларини аудиторлик ташкилоти томонидан белгиланган прогноз кўрсаткичлари билан солиштириш орқали далиллар олиш, молиявий ҳисобот кўрсаткичларини амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзи томонидан белгиланадиган меъёрий ҳужжатлар билан солиштириш орқали далиллар олиш, молиявий ҳисобот кўрсаткичларини молиявий ҳисобот таркибига кирмайдиган кўрсаткичлар билан солиштириш орқали далиллар олиш, молиявий ҳисобот кўрсаткичларини тармоқнинг ўртача маълумотлари билан солиштириш орқали далиллар олиш, молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг вақт ўтиши давомида ўзгаришлари ва улар билан боғлиқ бўлган нисбий коэффициентлар таҳлилинини ўтказиш орқали далиллар олиш кабилар.

Аудиторлик далилларини самаралироқ тўплаш учун аудитор текширилаётган хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, керакли ахборотларни олиш учун қанақа

таҳлилий амалларни қандай миқдорда ва ҳажмда бажариш лозимлигини юқори савияда режалаштириши лозим.

Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитида аудитор юқори таваккалчилик даражаси билан боғлиқ қўйидаги саволларга асосий эътиборини қаратиши талаб қилинади:

- Молиявий инвестициялар ҳисоби тизимининг ташкилот фаолияти кўламига номувофиқлиги;
- Молиявий ҳисобот моддаларини шакллантириш мақсадида молиявий инвестицияларни таснифлаш учун зарур меъзонларнинг ишлаб чиқилмаганлиги;
- Молиявий инвестицияларни таснифлаш учун белгиланган меъзонларнинг холис бўлмаслиги;
- Молиявий инвестицияларни баҳолашда объектив ёндашувнинг мавжуд бўлмаслиги (айниқса қиймати хорижий валютада ифодаланган молиявий қўйилмалар бўйича);
- Молиявий инвестициялар объектларини харид қилиш билан боғлиқ операцияларнинг тугалланмаганлиги (айниқса сотиб олинган молиявий инвестицияларга бўлган ҳуқуқнинг текширув ўтказилаётган субъектга ўтмаган ҳолатларда);
- Молиявий инвестицияларни харид қилиш ва уларнинг ҳаракатига оид операцияларнинг ўз вақтида бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмаслиги;
- Молиявий инвестицияларнинг қадрсизланиши ҳолатларида резерв ҳисоблашда объектив ёндашувнинг мавжуд бўлмаслиги;
- Молиявий инвестициялар билан боғлиқ операцияларни ҳужжатларда расмийлаштиришдан келиб чиқадиган барча таваккалчиликлар;
- Молиявий инвестициялар билан амалга оширилган операциялар ва ҳодисалар, хусусан хўжалик фаолиятининг шартли ҳодисалари деб баҳоланадиган, ҳамда молиявий ҳисоботларда лозим даражада очиқ беришларни талаб қиладиган операция ва ҳодисалар кабилар.

Юқоридагилардан келиб чиқадики, аудитор молиявий инвестицияларни текширишда ички назорат тизимининг ушбу соҳасини ҳам жиддий текшириши лозим. Бунда назорат тестлари 50 сонли аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти “Аудиторлик далиллар” га кўра мазкур операцияларнинг, бухгалтерия ҳисобини юритишда жавобгарликнинг мавжудлиги ва молиявий инвестицияларнинг ҳаракати, ҳамда улар бўйича даромадларни йиғиш, қимматли қоғозларни лозим даражада сақланишини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Аудитор назорат тестларини аудитор саволномасини лозим даражада расмийлаштириш орқали ҳам олиши мумкин. Молиявий инвестицияларга оид бундай саволнома қуйидаги саволларни ва уларга мос тасдиқларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Саволноманинг намунавий кўринишини қуйидаги жадвалда келтириб ўтамыз:

2 чизма

Аудитор саволномаси

№	Саволлар	Жавоблар (ха/йўқ, қандай асослайсиз)
1.	Молиявий қуйилмаларнинг дастлабки ҳисоби кўриниши ва бошқа ҳужжатларнинг кўриниши тегишлича расмийлаштириладими: – республика ва маҳаллий қиммат қоғозга қуйилма; – бошқа ташкилотларнинг қимматли қоғозларига қуйилма, шу ҳисобда қарзга оид қимматли қоғозлар, қимматли қоғозларнинг қайси санада ёки қайси баҳода тўлашни аниқлаш (облигация, вексел); – бошқа ташкилотларнинг устав капиталига улуши; – бошқа ташкилотларнинг қарзини бериши ; – бошқа кредит ташкилотларнинг депозитни улуши; – қонуний талабларни воз кечишни ташкил этишда дебиторлик қарзни билиш	

2.	Молиявий қуйилмалар счётида актив тўғри акс эттириладими?	
3.	Молиявий қуйилмаларнинг аналитк ҳисобини биласизми?	
4.	“Молиявий қуйилмалар” аналитик ҳисоби корхонанинг ишчи счётлар режасига мувофиқ очиладими ёки ўзининг ҳисоб сиёсатида ёпиладими?	
5.	Молиявий қуйилмаларнинг дастлабки нархи тўғри шакллантирилганми?	
6.	Молиявий қуйилмаларнинг охириги нархи тўғри амалга оширилганми?	
7.	Молиявий қуйилмаларнинг қадрсизланишига захира расмийлаштириладими?	
8.	Молиявий қуйилмаларнинг қадрсизланишида захира тўғри шакллантириладими ёки фойдаланиладими?	
9.	Ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида қимматли қоғозларнинг нархини баҳолаш усули ҳисобдан чиқариш усули билан туғри келадими?	
10.	Молиявий қуйилмаларнинг инвентаризация ўз вақтида ўтказилганми, натижаси тўғри акс эттирилганми?	
11.	Бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари бир хилликка риоя қилинганми?	
12.	Молиявий қуйилмаларга ўз вақтида акс эттирилган маълумотлар ҳисоботда тўғри тўлдирилганми ?	
13.	Молиявий қуйилмаларнинг тушунтириш хатида маълумотлар тўлиқ ҳажмда очилганми?	

Ҳар бир аудиторлик ташкилотларининг ишчи ҳужжатлари шу ва шунга ўхшаш саволномаларни, ҳамда бошқа турдаги назорат тестларини ҳам ўз ичига олиши аудитнинг сифатли ўтказилиши ва аудитнинг миллий стандартларига мувофиқ олиб борилишини кафолатлайди.

“Аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси” номли 70 сонли АФМСга кўра қўлланилган аудиторлик амаллари, олинган далиллар, аудиторлик хулосасини тузиш учун асос ҳисобланадиган бошқа ахборотдан иборат бўлган ҳужжат аудиторлик ҳисоботи бўлиб, аудитнинг мазкур сегменти бўйича ҳисоботнинг тегишли қисми диссертацияга 1 иловада келтирилди.

II боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитининг мақсади молиявий ҳисоботнинг қисқа муддатли молиявий инвестицияларга оид қисми бўйича потенциал фойдаланувчиларнинг ишонч даражасини ошириш ҳисобланади. Бу мақсадга эса аудитор томонидан молиявий ҳисоботларнинг барча муҳим жихатлари бўйича жиддий тафовутлар йўқлиги тўғрисидаги фикрини билдириш орқали эришилади. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари ва тегишли ахлоқ қоидалари талабларига мувофиқ ўтказилган аудит аудиторга бундай фикрни шакллантириш имконини беради. Юқорида келтириб ўтилган аудиторлик далилларини олиш амаллари аудиторнинг ишончлироқ фикрни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бундай амалларни аудитнинг халқаро амалиёти натижаларидан олиниши ҳам уни сифатлироқ бўлишини таъминлайди.

Мазкур боб бўйича таклифлар қуйидагилардан иборат:

Қисқа муддатли молиявий инвестицияларни таснифлашда, улар тўғрисидаги ахборотларни молиявий ҳисоботларда очиб беришда сўндирилгунча ушлаб туриладиган, ҳақиқий қийматининг ўзгариши фойда ёки зарарга олиб бориладиган, ҳамда сотиш учун ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар каби гуруҳларга ажратишни назарда тутиш лозим. Натижада мазкур аудиторлик текширувидан ўтган молиявий ҳисоботнинг ташқи фойдаланувчилар қарорларига таъсири ортади, ҳамда уларнинг молиявий ҳисоботдан энг муҳим ахборотларни олиш имкониятлари кенгаяди.

III БОБ. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИДА ҚИСҚА МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР АУДИТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ, ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ВА ТАСДИҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитини самарали ташкил қилиш йўллари

Корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобида молиявий инвестициялар ҳисобини юритиш шундай тартибда ишлаб чиқилиши лозимки, натижада улар тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборотлар шакллантирилиши, ҳамда уларнинг мавжудлиги ва ҳаракатининг лозим даражадаги назорати таъминланиши лозим.

Молиявий инвестициялар аудитида аудитор қуйидаги кўп учрайдиган хатоликлар бўйича кўпроқ ички назорат ҳамда моҳияти бўйича тестлар ўтказиши лозим:

- ҳақиқий молиявий қуйилмаларни тасдиқлашда ҳужжатларнинг етишмаслиги;
- ҳужжатларни расмийлаштиришда нотўғри тўлдирилган талабномалар;
- сохта ҳужжатлар ва муомалалар;
- ҳисоботдаги молиявий қуйилмаларни қайтишида нотўғри корреспонденция счётлари;
- қимматли қоғозларни ҳақиқий таннархини нотўғри ҳисоблаш;
- қимматли қоғозларни муомалаларидан даромадни ўз вақтида акс эттирмаслик;
- молиявий қуйилмаларнинг аналитик ва синтетик ҳисобларининг бир бирига тўғри келмаслиги.

Қисқа муддатли молиявий инвестицияларга оид бирламчи ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши текширилганда уларнинг қатъий тартибда расмийлаштириладиган ҳужжат эканлигини, унинг шакли, мажбурий реквизитлари маълум қимматли қоғоз турлари учун ўрнатилган қонунчилик талабларига мос келиши лозимлигини ҳисобга олиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 96 моддасига кўра мулкӣ ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлар қимматли

қоғозлар ҳисобланиб, уларни тақдим этган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади. Қимматли қоғозлар бошқа шахсга берилиши билан улар томонидан тасдиқланадиган ҳамма ҳуқуқлар ҳам ўша шахсга ўтади. Демак, бундан ҳулоса қилиш мумкинки, қимматли қоғозларнинг мажбурий реквизитларининг мавжуд бўлмаслиги ёки қонунчиликда белгиланган шаклга мувофиқ бўлмаслиги унинг бекор бўлишига сабаб бўлади. Шу сабабли аудитор қисқа муддатли молиявий инвестицияларни аудиторлик текширувидан ўтказишда моҳияти бўйича амаллар билан бир вақтда атрибутив, яъни қимматли қоғозлар бланкаларининг тўғри расмийлаштирилганлигини ҳам теширувни амалга ошириши лозим.

Молиявий инвестициялар объектлари бухгалтерия ҳисобига кирим қилиш учун асос бўладиган бирламчи ҳужжатларда уларни харид қилишнинг мақсади, ҳамда сўндириш муддати кўрсатиши лозим.

Шундан сўнг аудиторнинг кейинги вазифаси молиявий инвестицияларнинг тўғри баҳоларда кирим қилинганлигини текшириш ҳисобланади. 12 бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига кўра молиявий инвестицияларни харид қилиш чоғида улар харид қиймати бўйича баҳоланади ва бу қийматга брокерлар хизмати учун тўланган ҳақ, банк хизмати учун тўловлар, божлар ва бошқа харажатлар киритилади. Агар инвестиция акцияларни эмиссия қилиш ёки бошқа қимматли қоғозлар чиқариш йўли билан тўлалигича ёки қисман олинаётган бўлса, у ҳолда харид қиймати чиқарилган қимматли қоғозларнинг жорий қийматига тенг бўлади, яъни қимматли қоғозларнинг номинал қийматига тенг бўлмайди. Агар инвестиция бошқа активга алмаштириб тўла ёки қисман олинган бўлса, у ҳолда инвестиция қиймати топширилган активнинг жорий қийматига қараб аниқланади. Молиявий инвестицияларни олинган пайтгача бўлган давр учун фоизлар улуши, ҳисобланган дивидендларни ўз ичига олган харид қиймати бўйича харид қилиш харидор томонидан сотувчига тўланган фоизлар миқдорини чиқариб ташлаб, харид қиймати бўйича ҳисобга олинади. Инвестицияларнинг харид қиймати билан қарзга берилган қимматли қоғозларни тўлаш қиймати ўртасидаги тафовут (дисконт ёки харид қилиш чоғида мукофот тарзида берилган маблағ) инвестор томонидан инвестициялар бўйича доимий даромад бўлиши учун харид қилинган пайтдан бошлаб қарз тўланган пайтгача ҳисобдан ўчирилади.

Агар молиявий инвестициялар хорижий валютага сотиб олинаётган бўлса, валюта операцияларини тартибга солувчи меъёрий-ҳужжатларга мувофиқлиги кўриб чиқилади.

Молиявий ҳисоботларда қуйидагилар очиб берилиши лозим:

Ҳисоб сиёсати, бу сиёсат қуйидагиларни аниқлаш ва акс эттириш учун очиб берилади:

- Молиявий инвестицияларнинг баланс қийматини аниқлаш;
- Бозор қиймати бўйича ҳисобга олинган қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестицияларнинг бозор қийматидаги ўзгаришларни акс эттириш;

Қайта баҳоланган молиявий инвестицияларни сотиш чоғида қўшимча баҳолаш қийматини акс эттириш;

Қуйидаги кўринишда олинган даромадга киритилган катта миқдордаги суммалар:

- Узоқ муддатли ва қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестициялар бўйича фоизлар, роялти, дивидендлар ва ижара ҳақлари;
- Қисқа муддатли молиявий инвестицияларни сотиш чоғида олинган даромадлар ва кўрилган зарарлар;
- Бундай молиявий инвестициялар қийматидаги ўзгаришлар;
- Амалга оширилаётган инвестицияларнинг бозор қиймати, агар улар балансда бозор қиймати бўйича ҳисобга олинмаган бўлса;
- Кўчмас мулкка молиявий инвестицияларнинг жорий қиймати, агар улар узоқ муддатли инвестиция сифатида ҳисобга олинса ва жорий қиймати бўйича кўрсатилмаса;
- Инвестицияларга муҳим чеклашлар ёки инвестицияни амалга оширишдан олинган даромад ва пулни ўтказиш;
- Қайта баҳолаш қиймати бўйича ҳисобга олинган узоқ муддатли инвестициялар учун:
- Қайта баҳолаш қайси вақтларда ўтказилишини аниқлаш сиёсати;
- Сўнгги марта қайта баҳоланган сана;
- Қайта баҳолаш асоси ва четдан мулкни баҳоловчини жалб этиш факти;
- Шу даврда қўшимча баҳолаш қийматидаги ўзгаришлар ҳамда бу ўзгаришларнинг қандай тусдалиги;
- Асосий фаолияти инвестиция фаолиятдан иборат бўлган хўжалик юритувчи субъектлар учун инвестиция мажмуини таҳлил этиш.

Демак, қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитини самарали ташкил қилиш йўлларини кўриб чиқишда аудитда кўп учрайдиган хатоликларга, молиявий ҳисоботларни очиб беришларга, ҳамда ҳисоб сиёсатининг ушбу сегментига оид қисмини текширишни такомиллаштириш асосий эътиборда бўлади.

3.2. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитини ташкил қилишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш йўналишлари

Ҳозирги замон аудит-молия-банк тизимини ахборот технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса молия-банк тизимида хўжалик юритувчи субъектлар билан олиб бориладиган операциялар учун миллий қонунчилигимизда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга мажбурий талаблар ўрнатилган, ҳамда меъёрий ҳуқуқий-баъзалари яратилган бўлиб, хусусан Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 11 декабр 2003 йилдаги 560-II сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” 11 декабр 2003 йилдаги 562-II сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2005 йил 8 июлдаги ПҚ-117-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида" 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлиги янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2007 йил 23 августдаги 181-сон Қарорлари асос бўлиб хизмат қилади. Қолаверса улардан кенгроқ фойдаланиш ҳозирги куннинг ҳаётий заруратига айланиб бормода. Чунки, корхоналар билан ишловчи банклар, солиқ органлари, статистика бошқармалари томонидан кўрсатилаётган интерактив хизмат турлари, интернет сайтлари орқали берилаётган ахборотлар уларга қулайлик яратиш, вақтини тежаш, соҳа янгиликларидан мунтазам равишда хабардор бўлиш, вужудга келаётган муаммоларни тезкорлик билан ечимини топиш ҳамда молия, банк, солиқ, статистика, божхона, органларини ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг

шаффофлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Республикамиз тадбиркорлик субъектларида кенг қўлланилаётган ушбу ахборот тизимлари, шубҳасиз аудиторлик ташкилотлари олдида аудиторлик текширувлари ва консальтинг хизматларини кўрсатишда янги талаблар кўяди. Авваламбор, тез суръатлар билан ривожланаётган ахборот технологиялари асрида улардан аудиторлик фаолиятида кенг фойдаланиш, ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ва банкларни аудиторлик текширувидан ўтказишда уларнинг компьютер технологияларида ишланган ахборотларидан самарали фойдаланиш тизими яратилиши лозим. Аудиторлик фаолиятида бундай маълумотлардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (11 – сонли АФМС) “Компьютерда ишланган маълумотлар (КИМ)нинг аудити” (1999 йил 23 сентябрдаги 823 – сонли рўйхат рақами) га мувофиқ амалга оширилади. Ҳозирга келиб аудиторлик фаолиятининг ўзини ҳам автоматлаштириш зарурияти кескин ошмоқда. Республикамизда бундай аудиторлик текшируви жараёнини автоматлаштириш дастурлари яратилган бўлиб, унга мисол қилиб, "Фирст-Аудит" (Фест-Аудит)-аудит жараёнини автоматлаштириш дастурини айтишимиз мумкин. Ушбу дастур аудит ўтказиш жараёнининг ҳамма босичларини системалаш, халаро аудит стандартларига мувофиқ аудит ўтказиш қоидаларига ва методологияларига, тасдиқланган норматив талабларга риоя қилишни назорат қилиш, аудиторларнинг бандлик ҳисобини, аудиторлик лойиҳаларининг картотекаларини автоматизациялаш, эскирган ва тез такрорланадиган операцияларни автоматизациялаш, аудит ўтказиш жараёнини таҳлил қилиш, ҳужжатларнинг фирма намуналаридан фойдаланиш билан бир турдаги ҳисобот беришни шакллантириш учун мўлжалланган. Тижорат банкларининг, йирик ишлаб чиариш корхоналарининг ички аудит гуруҳларида, аудиторлик ташкилотларда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа бир неча МДХ давлатларининг

профессионал аудиторлар ва бухгалтерлар институтларидан олинган ахборотларга кўра МДХ давлатларида амалиётчи аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари ҳали аудиторлик фаолиятини юритишни автоматлаштириш даражаси бўйича лозим даражага етиб келмаган. Таъкидлаш жоизки, замонавий аудиторлар жадвал муҳаррирлари (Мисрософт Ексел ва б.)дан, матн муҳаррирлари (Мисрософт Ворд ва б.)дан жуда унумли фойдаланишади. Ушбу дастурлар уларга аудиторлик текширувининг баъзи бир қисмларини ташкил қилишга, ҳисоб-китобларни осонлик билан амалга оширишга амда таҳлилий амалларни осон ўтказиб, аудиторлик хулоса ва ҳисоботини тайёрлаш имконини беради. Меъёрий-ҳуқуий ҳужжатлар билан ўз ватида танишиш, ҳамда улардан кенг фойдаланишга эса ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида Норма-Ҳамкор, “ОВЕМ” каби, Россия Федерациясида эса Грант, Консультант плюс каби маълумот-ҳуқуқий дастурларидан фойдаланилади. Аудиторлик ташкилотларида аудиторлик текширувини ўтказиш учун уларнинг фойдалилиги кўпинча таъкидлансада, фақат баъзи аудиторлик корхоналаридагина таҳлилий ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Жаҳон компьютер дастурий таъминотлари бозорида, ҳатто Ўзбекистон Республикасида ҳам шундай аудиторлик текширувини автоматлаштирилган ҳолда олиб бориш имконини берувчи компьютер дастурлари мавжудки, улардан фойдаланиш бир қатор афвзалликларга ега.

Аудиторлик фаолиятини автоматлаштириш дастурларидан фойдаланишнинг афвзалликлари аудиторнинг иши сифати осон ва аниқ назорат қилиш, аудиторнинг аудиторлик текширувини ўтказишга кетадиган вақт сарфини тежаш, аудиторлик текширувларининг иш ҳажмини камайиши, аудиторлик таваккалчилиги даражасининг пасashi, аудиторлик текширувларига бўлган талабнинг ошиши, аудиторлик иш ҳужжатлари тўлиқ ва аниқ юритилиши, бухгалтерия ҳисобини

автоматлашган шаклда юритадиган дастурлар маълумотларидан автомат тарзда фойдаланиш кабилар ҳисобланади.

Аудиторлик текширувлари сифатини оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича биринчи таклиф сифатида, “1С-корхона”, “ОВЕМ” каби республикамизда кенг қўлланаётган бухгалтерия ҳисобини юритишни автоматлаштириш дастурлари маълумотларидан комплекс аудитни ўтказишнинг компьютер дастурларида автоматик фойдаланишни йўлга қўйиш лозимлигини келтирмоқчимиз. Натижада аудиторнинг иши сифати ошади, унинг аудиторлик текширувини ўтказишга кетадиган вақт сарфи тежалади, текширувнинг иш ҳажми камайади, аудиторлик таваккалчилиги даражаси пасаяди, аудиторлик иш ҳужжатлари тўлиқ ва аниқ юритилади.

Иккинчи таклиф сифатида, корхона фаолиятини таҳлил қилиш материалларини аудитни ўтказишнинг компьютер дастурларида тўғридан тўғри қўллаш, яъни ушбу дастурларни таҳлилий материаллардан автомат тарзда фойдаланиш имконини яратишни келтирамиз. Натижада аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси таҳлилий материаллар билан янада аниқ ва ишончли бўлади, ҳамда корхонанинг умумий барқарорлиги даражасини тезкор аниқлаш имконига эришилади.

Учинчи таклифим, аудитни ўтказишнинг компьютер дастурларида қўл меҳнатини камайтириб асосий амаллар автоматик бажарилишини таъминлашга эришилиши лозим. Чунки амалиётда кўп кузатиладиган ҳоллардан бири бу компьютер дастурларидан фойдаланишда бир буйруқни такроран беришга тўғри келиши, бир кўрсаткични бир неча маротаба киритиш талаб қилиниши ҳисобланади. Натижада аудиторнинг иш ҳажми ва вақт сарфи тежалади, ҳамда текширув нарҳи ҳам пасаяди.

Демак, қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитини ўтказишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш аудитнинг

сифатли ўтказилишига, кам сарф қилиб, кўпроқ ва ишончлироқ аудиторлик далилларини олишга хизмат қилади.

3.3. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитида тасдиқлардан фойдаланишни такомиллаштириш

Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан чиқарилган 200 сонли “Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш” номли аудитнинг халқаро стандартига кўра, аудитнинг мақсади молиявий ҳисоботларга бўлган бўлғуси фойдаланувчиларнинг уларга бўлган ишончи даражасини ошириш ҳисобланади. Бу мақсадга аудитор томонидан мазкур молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатлари бўйича молиявий ҳисоботларнинг қўлланилаётган тақдим қилиш асосида тайёрланганлиги тўғрисида фикр билдириш орқали эришилади. Умумий фойдаланишга мўлжалланган молиявий ҳисоботларга кўпчилик ҳолларда бундай фикр улар барча муҳим жиҳатлари бўйича тўғри тақдим этилганлиги ёки ушбу ҳисоботларнинг қабул қилинган тақдим қилиш асосларига мувофиқ ҳақиқий ва тўғри фикр беришига нисбатан аудитор томонидан ишончли фикр билдиришни ифодалайди. Аудитнинг халқаро стандартларига ва ахлоқ кодекси талабларига мувофиқ ўтказилган аудит аудиторга бундай фикрни шакллантириш имконини беради. Ушбу талабларни бажариши учун аудитор молиявий ҳисоботлар даражасида ва операциялар гуруҳлари, счетлар қолдиқлари, ҳамда очиқ беришлар даражасида муҳим бўлган тафовутларга йўл қўйиш таваккалчилигини ажратиб олиши ва баҳолаши лозим.

Тасдиқлар – бу аудитор томонидан молиявий ҳисоботларда учраши мумкин бўлган турли шаклдаги потенциал таваккалчиликларни кўриб чиқиш учун фойдаланиладиган, корхона раҳбариятининг бевосита ёки билвосита ва молиявий ҳисоботлар дахлдор бўлган тақдим қилган ахбороти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг 50 сонли “Аудиторлик далиллар” номли миллий андозасига кўра моҳияти бўйича текшириш амаллари аудиторлик ташкилотининг молиявий ҳисоботда хато-камчиликлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш учун аудиторлик далиллари олиш мақсадида бажарадиган амалларни ифодалайди. Бунда моҳияти бўйича текшириш амалларини бажаришда қуйидаги тасдиқлар олинади:

- ҳисобот даври якунланган санада мажбуриятлар ва активларнинг мавжудлиги;
- молиявий ҳисоботда активлар, мажбуриятлар, хўжалик операциялари ва ходисаларнинг тўлиқ акс эттирилиши;
- активлар ва мажбуриятларнинг мос қийматларда акс эттирилиши;
- молиявий ҳисоботда хўжалик операциялари ва ходисаларнинг аниқ суммаларини акс эттириш;
- даромад ва харажатларни тегишли даврларда акс эттириш кабилар.

Тасдиқлардан фойдаланиш бўйича қуйидаги мулоҳазаларни ҳам кўриб чиқамиз:

Молиявий инвестициялар аудитини ўтказишда аудитордан текширилаётган корхона молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қуйидаги тамойилларга қанчалик амал қилганлиги бўйича қуйидаги тасдиқларни олиши лозим:

- Мавжудлиги, тўлиқлиги, ҳуқуқ ва мажбуриятлар. Аудитор молиявий ҳисоботларда ҳисобот даврининг охирида акс эттирилган молиявий инвестицияларнинг қийматини ҳақиқийлиги, тўлиқ акс эттирилганлиги, ҳамда корхонанинг уларга бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳужжатлар билан тўла тасдиқланганлиги, улар активларга қўйиладиган меъзонларга тўла жавоб бериши ва улар билан боғлиқ даромадлар бухгалтерия ҳисоботларида тўла очиб берилганлиги юзасидан етарли ва лозим тасдиқларни олиши лозим;

- Юзага келиши, аниқ ўлчаниши, тўлиқлиги. Бунда аудитор барча операцияларнинг молиявий ҳисоботларда тўлиқ акс эттирилганлиги ва тегишли даврда ҳамда тўғри суммаларда акс эттирилганлигига оид тасдиқларни олиши лозим;
- Қийматли баҳолаш, тақдим ва ошкор қилиш. Бунда аудитор молиявий инвестициялар ҳисоб ва ҳисоботларда тўғри баҳоларда акс эттирилганлиги ҳамда уларга оид зарур ахборотлар лозим даражада очиб берилганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Ушбу тасдиқлар тўғрисида 315 сонли аудитнинг халқаро стандартларига кўра молиявий ҳисоботлар даражасидаги муҳим тафовутларнинг мавжуд бўлиши таваккалчилиги шундай таваккал ҳисобланадики, бундай таваккал бутун молиявий ҳисоботга ва бир неча тасдиқларга тегишли бўлади. Бундай турдаги таваккаллар операциялар гуруҳлари, счет қолдиқлари ёки очиб бериш даражасидаги тасдиқлар даражасидаги таваккал деб ҳисобланмайди. Молиявий ҳисобот даражасидаги таваккаллар корхона раҳбарияти ички назорат тизимини умуман рад қилган ҳолларда кузатилади. Молиявий ҳисоботлар даражасидаги таваккалчиликлар аудитор томонидан товламачилик натижасида келиб чиққан муҳим тафовутларнинг мавжуд бўлиш таваккалчилигини кўриб чиқишда айниқса ўзига хос хусусият касб этади.

Муомалалар гуруҳлари, счетлар қолдиқлари ва очиб беришлар учун тасдиқлар даражасидаги муҳим тафовутларнинг мавжуд бўлиш таваккалчилигини кўриб чиқиш аудиторга етарли ва лозим даражадаги аудиторлик далилларини олиш учун керак бўлган тасдиқлар даражасида аудитнинг хусусиятини, бажариш муддатларини ва кейинги аудиторлик амалларининг кўламини белгилаб олиш учун зарур бўлади.

Корхона раҳбарияти молиявий ҳисоботларни қабул қилинган тақдим этиш асоси бўйича тайёрланганлиги тўғрисида жавобгарликни олганда, бевосита ёки билвосита молиявий ҳисоботнинг турли

элементлари ва уларга мос очиб беришларни тақдим ва ошкор қилиш, баҳолаш, тан олишга оид тасдиқларини беради.

Аудитнинг халқаро стандартларига кўра потенциал тафовутларни кўриб чиқиш учун аудитор томонидан фойдаланиладиган тасдиқлар куйидаги уч гуруҳга бўлинади ва куйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

1) Аудиторлик текшируви ўтказиладиган давр учун операциялар ва воқеалар гуруҳлари тўғрисидаги тасдиқлар:

- Юзага келиши – акс эттирилган муомала ва воқеалар ҳақиқатда амалга оширилган ва ҳақиқатда хўжалик юритувчи субъект билан боғлиқлиги;
- Тўлиқлиги – акс эттирилиши лозим бўлган барча муомала ва ҳодисалар акс эттирилганлиги;
- Аниқлиги – муомала ва ҳодисаларга оид сумма ва бошқа маълумотлар лозим даражада акс эттирилганлиги;
- Мувофиқлиги – муомала ва ҳодисалар тегишли ҳисоб даврида акс эттирилганми;
- Таснифланиши - муомала ва ҳодисалар тегишли счетлар бўйича тўғри гуруҳланганлиги.

2) Ҳисобот даврининг охирига счетлар қолдиқларига оид тасдиқлар:

- Мавжудлиги - активлар, мажбуриятлар ва устав капиталидаги улушларнинг ҳақиқатда мавжудлиги;
- Ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгалиги – хўжалик юритувчи субъект активларга бўлган ҳуқуқларини бошқаради ва эгалик қилади, ҳамда мажбуриятлари корхонанинг мажбуриятлари сифатида қаралиши;
- Тўлиқлиги – акс эттирилиши лозим бўлган барча активлар, мажбуриятлар, ва хусусий капиталдаги улушлар акс эттирилганлиги;
- Баҳолаш ва тақсимлаш - активлар, мажбуриятлар, ва хусусий капиталдаги улушлар молиявий ҳисоботларга мос суммаларда акс эттирилган ва баҳолаш ҳамда тақсимлашга оид тузатиш ёзувлари лозим даражада акс эттирилган.

3) Такдим ва ошкор этишга оид тасдиқлар:

- Юзага келиши, ҳуқуқ ва мажбуриятлар – хўжалик юритувчи субъект билан боғлиқ очиб берилиши лозим бўлган ҳодисалар, муомалалар ва бошқа саволларнинг очиб берилганлиги;
- Тўлиқлиги – молиявий ҳисоботга киритилиши лозим бўлган барча очиб беришлар киритилганлиги;
- Таснифлаш ва тушунарлилик – молиявий ахборотлар лозим даражада такдим қилинганлиги ва таснифланганлиги, очиб беришлар аниқ ифодаданганлиги;
- Аниқлик ва баҳолашнинг тўғрилиги – молиявий ҳисоботлар ва бошқа ахборотлар ҳаққоний ва мос суммаларда очиб берилганлиги кабилар.

Ушбу тасдиқлардан фойдаланишда шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, аудитор корхонанинг активларини аудиторлик текширувидан ўтказишда уларнинг мавжудлигини тасдиқлаши, мажбуриятлари, ҳамда очиб беришлар бўйича тўлиқлигини тасдиқлаши энг муҳим ҳисобланади. Чунки, корхона активлари кўпайтириб кўрсатиш учун мойил ҳисобланади, ҳамда уларнинг ҳақиқатда мавжудлигини тасдиқлаш уларни оқилона даражадаги ишончлилигини аудитор томонидан билдирилишида асосий шарт ҳисобланади. Корхонанинг мажбуриятлари ва очиб беришлари эса маълум кредиторлик қарзларини ўз ичига олмаган бўлиши, очиб беришлари эса молиявий ҳисоботлар асосида тўғри қарор қабул қилиш учун етарли бўлмаслиги мумкин.

III боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, аудиторлик фаолиятини амалга оширишда замонавий ахборот технологияларидан, аудиторлик текширувини ҳамда консалтинг хизматларини кўрсатишни автоматлаштириш учун замонавий компьютер дастурларидан фойдаланиш аудиторлик корхонаси фаолияти учун жуда самарали, ҳамда уларнинг рейтингини ошириш учун катта хизмат қилади. Чунки сифатли ўтказилган

арзон аудиторлик текшируви уларнинг аудиторлик ташкилотлари бўйича рейтингини белгилашда асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Қолаверса, тасдиқлардан самарали фойдаланиш аудиторлик далилларининг сони ва сифатининг юқори бўлиши, ҳамда аудиторнинг асосли фикрини шакллантириши учун жуда муҳим.

Мазкур боб бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар бериб ўтилди:

Аудиторлик текширувлари сифатини оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича келтирилган таклифимизда, “1С-корхона”, “ОВЕМ” каби республикамизда кенг қўлланаётган бухгалтерия ҳисобини юритишни автоматлаштириш дастурлари маълумотларидан комплекс аудитни ўтказишнинг компьютер дастурларида автоматик фойдаланишни йўлга қўйиш лозимлигини айтиб ўтилди.

Кейинги таклиф сифатида, корхона фаолиятини таҳлил қилиш материалларини аудитни ўтказишнинг компьютер дастурларида тўғридан тўғри қўллаш, яъни ушбу дастурларни таҳлилий материаллардан автомат тарзда фойдаланиш имконини яратиши келтирилди. Натижада аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси таҳлилий материаллар билан янада аниқ ва ишончли бўлади, ҳамда корхонанинг умумий барқарорлиги даражасини тезкор аниқлаш имконига эришилади.

Учинчи таклифимизда, аудитни ўтказишнинг компьютер дастурларида қўл меҳнاتини камайтириб асосий амаллар автоматик бажарилишини таъминлашга эришилиши лозимлиги келтирилди. Чунки амалиётда кўп кузатиладиган ҳоллардан бири бу компьютер дастурларидан фойдаланишда бир буйруқни такроран беришга тўғри келиши, демак бир кўрсаткични бир неча маротаба киритиш талаб этилади. Натижада аудиторнинг иш ҳажми ва вақт сарфи тежалади, ҳамда текширув нархи ҳам пасаяди.

Тўртинчи таклифимиз сифатида молиявий инвестицияларни аудиторлик текширувидан ўтказишда юқоридаги 3 гуруҳ тасдиқлардан фойдаланиш келтирилди.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қисқа муддатли молиявий инвестицияларни аудитини такомиллаштириш молия бозорларини барқарорлаштириш шароитида жуда долзарб мавзу ҳисобланади.

Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитида ва умуман аудиторлик текширувларида юқори малакали аудитор бўлиш учун соғлом фикрни қўллаш олишни ўрганиш лозимлигини кўрдик. Бу тўғрисида аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларида ҳам бир неча марта тўхталиб ўтилган. Демак, аудиторлик текширувини ўтказишда қўлланиладиган амалларни ва улар билан болиқ назарий билимларни ўрганиш уни юқори сифатда ўтказилиши учун асос бўлади. Аммо амалиётда мазкур назарий билимларни тўлақонли қўллаш олиш бироз қийинчилик туғдиради. Бундан келиб чиқадики, аудитор текширув давомида аудитнинг асосий тамойиллари, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари ва аудиторлик амалларини қўллаш олишида асосий эътибор унинг профессионал фикрлай олишига қаратилади.

Қисқа муддатли молиявий инвестициялар аудитининг мақсади молиявий ҳисоботнинг қисқа муддатли молиявий инвестицияларга оид қисми бўйича потенциал фойдаланувчиларнинг ишонч даражасини ошириш ҳисобланади. Бу мақсадга эса аудитор томонидан молиявий ҳисоботларнинг барча муҳим жиҳатлари бўйича жиддий тафовутлар йўқлиги тўғрисидаги фикрини билдириш орқали эришилади. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари ва тегишли ахлоқ қоидалари талабларига мувофиқ ўтказилган аудит аудиторга бундай фикрни шакллантириш имконини беради. Юқорида келтириб ўтилган аудиторлик далилларини олиш амаллари аудиторнинг ишончлироқ фикрни

шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бундай амалларни аудитнинг халқаро амалиёти натижаларидан олиниши ҳам уни сифатлироқ бўлишини таъминлади.

Магистрлик диссертацияси ишида қуйидаги таклиф ва тавсияларни асослаб бердик:

Биринчи таклиф сифатида аудитни режалаштиришда, уни ўтказишда, аудитор иш сифатини назорат қилишда, қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг барча муҳим жиҳатлари бўйича тўғри ва ҳаққоний фикр билдира олишда аудитнинг мазкур сегментини бошқа корхоналарнинг устав капиталларига, биргаликдаги фаолиятларига, қарзларга қилинган инвестициялар каби 3 гуруҳга ажратиши лозимлигини келтирилди. Натижада, аудитор ушбу 3 гуруҳ инвестициялар бўйича алоҳида аудиторлик амалларини қўллаш олиш, етарли ва лозим аудиторлик далилларини олиш, ҳамда асосли фикрлар билдириш имкониятига эга бўлади.

Иккинчи таклиф сифатида молиявий инвестициялар аудитида аудитор иш сифатини ташқи назорат қилишда профессионал аудитор ва бухгалтерларнинг жамоат бирлашмалари томонидан ёки молиявий инвестициялар аудити соҳасида етарли малака ва тажрибага эга бўлган бошқа аудиторлик ташкилотлари томонидан шартномалар асосида амалга оширилиши лозимлигини келтириб ўтдик. Бундай назорат штатдаги аудиторлар сони кўп бўлмаган кичик корхоналар учун жуда зарур.

Учинчи таклиф сифатида, аудитор иш сифатини якуний назорат қилишни келтирдик. Бундай якуний назорат аудиторлик текширувига бевосита алоқадор бўлмаган мустақил ҳамда малакали аудитор томонидан амалга оширилиши лозим. Натижада, аудиторлик ҳисоботи ва хулосасидаги мавжуд қонунчилик талаблари, ҳамда аудитор томонидан йўлланаётган якуний хулосанинг мавжуд ҳолатга мос келиши яна бир бор текширилади ва йўл қўйилган камчиликларни аудиторлик ҳисобот ва хулосаси расман жўнатилгунча аниқлаш, тузатиш имкони туғилади.

Тўртинчи таклиф сифатида қисқа муддатли молиявий инвестицияларни таснифлашда, улар тўғрисидаги ахборотларни молиявий ҳисоботларда очиқ беришда сўндирилгунча ушлаб туриладиган, ҳақиқий қийматининг ўзгариши фойда ёки зарарга олиб бориладиган, ҳамда сотиш учун ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар каби гуруҳларга ажратишни назарда тутиш лозимлиги келтирилди. Натижада мазкур аудиторлик текширувидан ўтган молиявий ҳисоботнинг ташқи фойдаланувчилар қарорларига таъсири ортади, ҳамда уларнинг молиявий ҳисоботдан энг муҳим ахборотларни олиш имкониятлари кенгаяди.

Аудиторлик текширувлари сифатини оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича келтирилган бешинчи таклиф сифатида, “1С-корхона”, “ОВЕМ” каби республикамізда кенг қўлланаётган бухгалтерия ҳисобини юритишни автоматлаштириш дастурлари маълумотларидан комплекс аудитни ўтказишнинг компьютер дастурларида автоматик фойдаланишни йўлга қўйиш лозимлигини айтиб ўтилди. Натижада аудиторнинг иши сифати ошади, унинг аудиторлик текширувини ўтказишга кетадиган вақт сарфи тежалади, текширувнинг иш ҳажми камайади, аудиторлик таваккалчилиги даражаси пасаяди, аудиторлик иш ҳужжатлари тўлиқ ва аниқ юритилади.

Олтинчи таклиф сифатида, корхона фаолиятини таҳлил қилиш материалларини аудитни ўтказишнинг компьютер дастурларида тўғридан тўғри қўллаш, яъни ушбу дастурларни таҳлилий материаллардан автомат тарзда фойдаланиш имконини яратишни келтираміз. Натижада аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси таҳлилий материаллар билан янада аниқ ва ишончли бўлади, ҳамда корхонанинг умумий барқарорлиги даражасини тезкор аниқлаш имконига эришилади.

Еттинчи таклифимиз, аудитни ўтказишнинг компьютер дастурларида қўл меҳнатини камайтириб асосий амаллар автоматик бажарилишини таъминлашга эришилиши лозим. Чунки амалиётда кўп кузатиладиган ҳоллардан бири бу компьютер дастурларидан фойдаланишда бир буйруқни

такроран беришга тўғри келиши, демак бир кўрсаткични бир неча маротаба киритиш талаб этилади. Натижада аудиторнинг иш ҳажми ва вақт сарфи тежалани, ҳамда текширув нархи ҳам пасаяди.

Саккизинчи таклифимиз сифатида молиявий инвестицияларни аудиторлик текширувидан ўтказишда аудиторлик текшируви ўтказиладиган давр учун операциялар ва воқеалар гуруҳлари тўғрисидаги, ҳисобот даврининг охирига счетлар қолдиқларига оид, ҳамда тақдим ва ошкор этишга оид тасдиқлар каби 3 гуруҳ тасдиқлардан фойдаланиш келтирилди. Натижада, аудитор ҳар бир тасдиқ орқали аудиторлик далилларини олишда қандай ахборотни олиши лозимлигини аниқ режалаштиради, ҳамда аудитнинг самарали ўтказилиши учун ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонуни 1993 йил 2 сентябрь, ўзгартириш ва қўшимчалар 1994 йил 23-сентябрь, 1996 йил 22 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 30 декабр 1998.//Халқ сўзи, 18 январ 1999 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, 1996 й 30 август. //Халқ сўзи.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 2000 йил 26 май. Янги таҳрир.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарори.-Т.: «Халқ сўзи», 2000 й, 26 сентябрь.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги «Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 54-сонли қарори. (2003 йил 15 октябрдаги 444-сонли қарор асосидаги ўзгартиришлар билан).
8. Каримов И.А. «Иқтисодий ислоҳот масъулиятли босқич». Т.: Ўзбекистон. 1999 й. 46б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси

мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси № 29 2006 йил 11 февраль

10. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: Ўзбекистон, 2005.
11. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг тўлдирилиши бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 140-сонли буйруғи.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Аренс А., Лоббек Д.Ж. Аудит. Пер. с англ. под. ред. проф. Я.В. Соколова, - М.: Финансы и статистика, 1995.
2. Парушина Н. В., Кыштымова Е. А. Аудит: Основы аудита, технология и методика проведения аудиторских проверок. – М.: ИД “Форум” 2009.
3. Н. Д. Бровкиной, М.В. Мельник Практический аудит учебное пособие – М: Инфра-М 2008
4. В. П. Суйц Аудит учебник- М: Высшее образование 2007
5. В. В. Скобара Аудит: методология и организация- М: «Дело и Сервис» 1998.
6. Андреев В.Д. Практический аудит. М.: Экономика, 1995.
7. Ўразов К.Б. Инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортилиши. –Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2003.
8. Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари.- Т.: ТМИ. 2004.-348 б.
9. Илхомов Ш.И. Инвестиция ҳисобида бухгалтерия ҳисоби ва аудити. Ном. дисс. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2005.
- 10.Худойбердиев А. Х. Инвестиция фаолиятини бошқариш тизимида молиявий ҳисобот ва унинг таҳлилини такомиллаштириш. Ном. дисс. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2005.

Илмий журналлардаги мақолалар:

1. Жўраев О. Бухгалтерия ҳисобида молиявий инвестициялар қиймати Бозор, пул ва кредит, № 11-12, 2002. 67-70 бетлар.
2. Илҳомов Ш. Молиявий инвестициялар аудити. Бозор, пул ва кредит, № 12, 2003. 36-38 бетлар.

Интернет сайтлари:

1. <http://www.gov.uz> (Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали)
2. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги)
3. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)
4. <http://el.tfi.uz> (Тошкент Молия институти электрон кутубхонаси)
5. <http://www.soliq.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси)